БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 273 (19.944). • 1987 йил 27 ноябрь, жума • Баҳоси 3 тийин.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советида

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети «СССР аҳолисининг саломатлигини муҳофаза қилишни ривожлантириш ва соғлиқни сақлашни қайта қуришнинг ўн иккинчи беш йилликка ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари»ни меҳнат коллективларида, соғлиқни сақлаш ва медицина фани муассасаларида, республикалар, ўлкалар ва областлар партия-хўжалик активлари йиғилишларида, министрликлар ва идораларнинг коллегияларида, марказий матбуотда ва меҳнаткашларнинг хатларида ана шу йўналишларнинг умумхалқ муҳокамаси юзасидан киритилган қўшимча ва ўзгаришларни эътиборга олиб тасдиқладилар.

СССР аҳолисининг саломатлигини муҳофаза қилишни ривожлантириш ва соғлиқни сақлашни қайта қуришнинг ўн иккинчи беш йилликка ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари

Мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришнинг КПСС XXVII съезди белгилаб берган йўли йирик социал программаларни амалга оширишни кўзда тутади. Партия билан давлат совет кишиларининг саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлашни, уларнинг умрини узайтириб, ижодий фаоллигини кучайтиришни, медицина ёрдамининг сифатини тубдан яхшилашни биринчи даражали аҳамиятга молик иш, деб ҳисоблайдилар.

Сиҳат-саломатлик — ҳар бир киши учун бахт ва саодатдир, меҳнат унумдорлигини, мамлакатнинг иқтисодий қудратини, халқ фаровонлигини ўстиришнинг зарур шартидир. Коммунистик партия билан Совет давлатининг ҳар бир граждан саломатлиги тўғрисидаги ғамхўрлиги инсонпарварлик ва социал адолат принципларига мос бўлиб тушади, социалистик жамиятнинг янада равнақ топиши мақсадларига хизмат қилади.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси кенг халқ оммасининг энг зарур ва эзгу орзу-умидларига мос бўлиб тушадиган туб ўзгартишларни амалга оширишга асос солди. Тарихда биринчи марта давлат аҳолининг соғлиғи учун масъулиятни ўз зиммасига олди, тегишли иқтисодий, социал ва медицина тадбирлари қонуний, ташкилий ва моддий жиҳатдан таъминланишига кафолат берди.

СССРда медицина ёрдамининг бепуллиги ва ҳаммага бараварлиги, профилактика, фан билан практиканинг бирлиги, соғломлаштириш тадбирларида жамоатчиликнинг фаол иштирок этишидан иборат ленинча принципларга асосланган чинакам умумхалқ соғлиқни сақлаш системаси барпо этилди. Жамиятимиз тараққиётининг ҳамма босқичларида бу система аҳолининг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилишни ва мамлакатнинг санитария жиҳатидан яхши ҳолатда бўлишини пишиқпухта таъминлаб келди.

Совет ҳокимиятининг 70 йили мобайнида социалистик қурилиш режалари изчиллик билан амалга оширилганлиги, касалликлар профилактикаси тадбирлари давлат йўли билан кенг миқёсда ўтказилганлиги, меҳнат ва турмуш шароитлари яхшиланганлиги, соғлиқни сақлаш ва медицина фани ривожлантирилганлиги натижасида аҳолининг сиҳат-саломатлигини тубдан яхшилашга эришилди. Умуман ўлиш ҳоллари 3 баравар, болаларнинг ўлиши эса 11 баравар камайди, ўртача умр икки ҳисса узайди, кўпгина хатарли юқумли касалликлар тугатилди. Меҳнаткашларнинг ишлаб чиқаришда майиб бўлиш, касб касаллигига чалиниш, инвалид бўлиб қолиш ҳоллари муттасил камайиб бормоқда.

Ижтимоий сиҳат-саломатликнинг социал жиҳатдан тобора бир хил бўлиб бораётганини ҳам социализмнинг шак-шубҳасиз ғалабалари жумласига қўшмоқ керак. Жисмоний ривожланиш яхшиланиб, ўлим камайиб, ижодий ҳаёт давомийлиги узайиб бораётганлиги Совет Иттифоқи аҳолисининг турли группаларига, барча миллат ва элатларига хос хусусиятдир. Улуғ Октябрь социалистик революциясидан аввал қирилиб кетишга маҳкум бўлган кўпгина халқлар эндиликда сиҳат-саломатликнинг юксак кўрсаткичларига эришдилар.

Совет соғлиқни сақлаш системаси социал соҳанинг йирик тармоғига айланди. Ўн минглаб поликлиникалар, касалхоналар, тез ва шошилинч медицина ёрдами станциялари, болалар муассасалари, юзлаб илмий-тадқиқот институтлари ва ўқув юртлари қурилиб жиҳозланди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш системаси, санитария-эпидемиология хизмати, санаторий ва дам олиш уйларининг кенг шохобчаси барпо этилди. Тармоқда 1,2 миллион врач ва 3,3 миллион ўрта малакали медицина ходими ишлаб турибди. Кадрлар, моддий-техника потенциали ва илмий потенциал ўсганлиги аҳолини умумий врачлик ёрдами билангина эмас, ҳар хил турдаги ихтисослаштирилган ёрдам билан ҳам таъминлаш имконини беради.

Совет соғлиқни сақлаш системасининг ажойиб муваффақиятларини ҳамма эътироф этади. Унинг принципларини, дастлабки медицина-санитария ёрдамини ташкил этиш системасини жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти миллий соғлиқни сақлаш муассасаларини барпо этиш учун намуна деб тавсия қилди.

Эришилган муваффақиятлар аҳолининг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш проблемаларини ҳал этишда социалистик жамиятнинг жуда катта афзалликлари ва имкониятларидан далолат бериб турибди. Бироқ бу имкониятлардан тўлатўкис фойдаланилмаётганини объектив таҳлил кўрсатмоқда. 70-йилларда ва 80-йилларнинг бошларида соғлиқни сақлаш соҳасида салбий тенденциялар пайдо бўлиб, кучая бошлади. Мамлакатдаги иқтисодий ўсиш суръатлари пасайганлиги, сиҳат-саломатликни муҳофаза қилиш масалаларига эътибор бўшашганлиги давлат бюджетида соғлиқни сақлаш харажатлари улушининг камайишига, унинг моддий техника базасини янгилаш, янги дори-дармонларни ва даволаш усулларини ўзлаштириш жараёнлари секинлашувига олиб келди. Медицина муассасалари ишини ташкил этиш ва планлаштиришдаги камчиликлар, талабчанлик ва назорат бўшашганлиги тармоқ фаолиятининг асосий йўналишларини, айрим хизматларни ривожлантириш пропорцияларини белгилашда жиддий хатоликларга сабаб бўлди. Медицина муассасалари фаолиятига баҳо беришнинг таркиб топган тартиби аҳолига даволаш, профилактика ва дори-дармон билан ёрдам бериш сифатини оширишга қаратилмади. Бағритошлик, беҳаҳмлик, қўполлик, ўзининг касб бурчини бажаришга масъулиятсизларча қараш, порахўрлик, бюрократизм каби ҳодисалар ёйилиб борди. Олий медицина ўқув юртларига қабул қилишда, таълим ва иш натижаларини баҳолашда, хизмат юзасидан юқори кўтаришда ахлоқ ва одобни бузиш ҳоллари кўп бўлди. Ҳақ тўлашнинг мавжуд системаси иш сифатини яхшилашга, илм ва кўникмаларни эгаллашга, малака оширишга интилишни рағбатлантирмади.

СССР аҳолисининг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилишдаги етакчи йўналишга — профилактика ишига эътибор бўшаштириб юборилди. Министрлик ва идоралар, халқ депутатлари маҳаллий Советлари сув ҳавзалари, атмосфера ҳавоси, тупроқни ифлосланишдан муҳофаза қилишга, ишлаб чиқаришда хавф-хатарсиз меҳнат шароитларини яратишга оид чора-тадбирларни етарли даражада амалга оширмаяптилар. Мамлакатнинг бир қанча регионларида аҳоли яхши ичимлик сув билан таъминланмаяпти, баъзи шаҳарлар ҳавосида соғлиққа зарарли моддаларнинг тўпланиши белгиланган нормалардан бир неча баравар ошиб кетмоқда. Санитария-эпидемиология хизмати экология муаммоларини ҳал этишда фаолиятсизлик ва пассивлик кўрсатмоқда, бунинг учун ўзига бериб қўйилган кенг ваколатлардан фойдаланмаяпти. Корхоналарда, муассасалар ва ташкилотларда санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига риоя этилиши устидан давлат санитария назоратининг самарадорлиги паст.

Соғлом турмуш тарзини шакллантириш соҳасидаги ишга кўп йиллар мобайнида зарур эътибор берилмади. Аҳолининг учдан икки қисмидан кўпроғи мунтазам жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига жалб этилмаган, 30 процентга қадари ортиқча даражада семириб кетган, 70 миллионга яқин киши чекади. Ичкиликбозлик ва алкоголизм кенг тарқалган, наркотик моддалар истеъмол қилувчи кишилар кўпаймоқда. Мамлакатда социалистик ахлоққа ёт бўлган мана шу ҳодисаларга қарши кескин ва муросасиз кураш авж олдириб юборилди. Аммо бу кураш ҳамма жойда ҳам зарур қатъият ва изчиллик билан олиб борилаётгани йўқ.

Медицина ёрдамининг даражаси ва сифати совет кишиларининг ошиб бораётган эҳтиёжларига тўла-тўкис мос келмаяпти. Касалликларни аниқлаш ва даволашнинг илғор тажрибаси, янги, янада самарали усуллари практикага суст жорий этилмоқда. Стационарлар ва касалхоналардан ташқари муассасалар ишида изчиллик таъминланмаган. Касалхонага жойлаштиришдан асоссиз равишда бош тортиш, зудлик билан ёрдам кўрсатишга муҳтож беморларни даволаш муассасасига ўз вақтида келтирмасликка, касалхоналардаги ўринлар фондидан ва даволаш-диагностика асбоб-ускуналаридан самарасиз фойдаланиш, касалхоналарда текширишларни узоқ чўзиб юбориш ҳолларига йўл қўйилмоқда. Бир қанча поликлиникаларда аҳоли учун қулай вақтда қабул қилиш йўлга қўйилмаган.

Она ва боланинг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш ишининг ҳолати алоҳида ташвиш туғдирмоқда. Таъминотнинг қониқарсизлиги, кадрларнинг тайёргарлиги заифлиги оқибатида туғруқхоналар, болалар поликлиникалари ва стационарлари, аёллар консультациялари касалликларнинг олдини олиш, диагноз қўйиш ва даволашнинг замонавий даражасини таъминламаяптилар. Туғуруқда ёрдам кўрсатувчи муассасаларда, чала туғилган болаларни парваришлаш ва чақалоқларни даволаш бўлимлари ҳамда палаталарида санитария-гигиена талаблари қўпол бузилмоқда.

Тармоқнинг моддий-техника базасини жиддий равишда мустаҳкамлаш зарур бўлиб турибди. Кўпгина касалхоналар, туғуруқхоналар, поликлиника, амбулатория ва дорихоналар мосланмаган ва ҳатто авария ҳолатидаги биноларга жойлаштирилган, улар капитал ремонт ёки реконструкция қилинишга муҳтож, марказий иситиш системаси, водопровод, канализация, иссиқ сув билан таъминланмаган. Айни вақтда соғлиқни сақлаш объектларини қуришга ажратилган маблағлар йил сайин ўзлаштирилмай қолмоқда. Даволаш-профилактика муассасаларининг амалдаги типовой лойиҳаларида замонавий медицина технологияларидан тўла ҳажмда фойдаланиш кўзда тутилмаяпти.

Даволаш-профилактика муассасалари ва аҳолининг медицина техникасига, дори-дармонларга, боғлов ва дезинфекция воситаларига, беморлар парвариши учун тутиладиган буюмларга эҳтиёжлари тўла-тўкис қондирилмаяпти. Мамлакат саноати ишлаб чиқараётган кўпгина приборлар ва аппаратлар ўз хусусиятлари жиҳатидан чет эллардаги энг яхши намуналар даражасида эмас.

Мамлакат медицина фанининг катта потенциалидан тўла-тўкис фойдаланилмаяпти. Илмий медицина тадқиқотлари социал буюртмаларни ва практиканинг устун йўналишларини эътиборга олмай ўтказилмоқда. Планлаштиришнинг мавжуд системаси жами интеллектуал ва моддий-техника потенциалидан самарали равишда фойдаланишга имкон бермайди. Фундаментал ва амалий ишларнинг даражаси паст: уларнинг атиги 5 проценти патент қобилиятига эга. Мамлакатимиздаги ишларнинг учдан бир қисми чет эллардаги ишланмаларнинг такроридир. Илмий ютуқларни жорий қилиш суст амалга оширилмоқда. Ёш олимларни тайёрлаш муаммоси ўткир бўлиб турибди.

СССР Медицина фанлари академияси илмий кучларни бирлаштирмаяпти, тадқиқотларнинг сифати ва аҳамиятига нисбатан зарур талабчанлик кўрсатмаяпти. Олий малакали илмий медицина кадрларининг қарийб ярми машғул бўлган олий ўқув юртлари фани практика олдида катта қарздор бўлиб турибди.

Мана шу ва бошқа камчиликлар аҳоли сиҳат-саломатлигининг ҳолатига салбий таъсир ўтказди. Мамлакатда демография жараёнлари динамикаси ёмонлашди, болаларнинг ва меҳнатга лаёқатли ёшдаги эркакларнинг нобуд бўлиш даражаси юқори, ўртача умр кўп вақтдан бери узаймаяпти, юрак-қонтомир ва онкология касалликлари билан оғриш даражаси амалда камаймаяпти. Касалликлар ва майиб бўлишлар туфайли, шунингдек бемор болаларни боқиш сабабли ишчилар, хизматчилар ва колхозчиларнинг меҳнат қобилиятидан маҳрум бўлиши оқибатида халқ хўжалигига катта зиён етмоқда. Ҳар йили шу сабабларга кўра 4 миллионга яқин киши ишга чиқмаяпти, вақтинча ишга яроқсизлик юзасидан ҳар йили тўланадиган нафақалар 7 миллиард сўмдан ошиб кетмоқда.

Халқнинг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлашнинг аҳволи хусусида меҳнатакашлар асосли равишда таъна қилмоқдалар. КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукумати бундан жиддий ташвишланмоқдалар. Соғлиқни сақлаш органлари ва муассасаларининг фаолиятидаги камчиликлар партиянинг социал сиёсатини амалга оширишга, социалистик турмуш тарзини мустаҳкамлашга, умуман жамият тараққиётини жадаллаштиришга катта зарар етказмоқда.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети соғлиқни сақлашни тубдан қайта қуриш, камчиликларни тугатиш, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишни таъминлаш, медицина ёрдами сифатини кескин ошириш вазифасини ўртага қўядилар. Тармоқ барча бўғинларининг, ҳар бир медицина ходимининг фаолияти замонавий талабларга мувофиқ келадиган ҳолатга эришиш зарур. Аҳолининг дори-дармонларга ва беморлар парваришига тутиладиган буюмларга бўлган эҳтиёжлари тўла-тўкис ва ҳамма жойда қондирилсин.

Шу мақсадда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларига мувофиқ касалликларнинг олдини олиш чораларини кучайтириш, барча аҳолини диспансер ҳисобига олишни босқичма-босқич жорий қилиш, медицина кадрларининг касб маҳоратини такомиллаштириш, даволаш-профилактика ва дорихона муассасаларининг иш сифати ва маданиятини кўтариш тадбирлари системаси амалга оширилсин.

Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетлари, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советлари, халқ депутатлари маҳаллий Советлари, министрликлар ва идоралар ҳамда корхоналарнинг раҳбарлари, жамоат ташкилотлари соғлиқни сақлаш эҳтиёжларига, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини ҳал этишга, аҳолининг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашга эътиборни кучайтирсинлар, соғлиқни сақлаш системасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш планлари сўзсиз бажарилишини таъминласинлар, гражданларда соғлом турмуш тарзини шакллантириб бориш, тармоқни кадрлар билан мустаҳкамлаш, уларнинг муқим ўрнашиб қолиши ва уларни ғоявий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш соҳасидаги ишда фаол қатнашсинлар.

Совет жамияти соғлом кишиларнинг сиҳат-саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга тобора кўпроқ эътибор бериш зарур.

Аҳолининг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш, халқ соғлигини сақлашни қайта қуришга, СССРнинг бу соҳадаги ютуқларидан кўпроқ хабардор қилиб туришга кенг жамоатчиликни жалб этиш мақсадида меҳнат коллективларининг, жамоат ташкилотлари, ижодий союзлар ва айрим гражданларнинг ихтиёрий взнослари ҳисобига ташкил этиладиган совет сиҳат-саломатлик ва раҳм-шафқат фондини вужудга келтириш тўғрисидаги меҳнаткашлар ташаббуси қўллаб-қувватлансин.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш системасини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш — умумхалқ, давлат ишидир. Ўртага қўйилган вазифаларни ҳал этиш барча медицина ходимлари, партия, совет ва касаба союз органлари, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотларининг аҳоли сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлашни такомиллаштиришга ижодий ёндашишларини талаб қилади.

I. Профилактика самарадорлигини ошириш—совет соғлиқни сақлаш системасининг бош йўли

Совет соғлиқни сақлаш системасини ривожлантиришнинг ҳамма босқичларида профилактика йўналиши халқ сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилишнинг энг асосий принципи, идеологияси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Ўз моҳиятига кўра, профилактика инсонларнинг соғ-саломат юришини, уларнинг ижодий узоқ умр кўришини таъминлашга, касалликларнинг ҳар қандай сабабларини бартараф этишга, аҳолининг меҳнат, турмуш ва дам олиш шароитларини яхшилашга, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган тадбирлар комплексидир. Бу тадбирларни амалга ошириш соғлиқни сақлаш органларининггина вазифаси бўлиб қолмай, шу билан бирга партия комитетлари, министрликлар ва идоралар, халқ депутатлари Советлари, касаба союзлари, комсомол, хўжалик раҳбарлари, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар меҳнат коллективлари фаолиятининг энг муҳим қисми ҳамдир.

(Давоми 2-бетда).

Визит тугади

ДЕҲЛИ, 25 ноябрь. (ТАСС махсус мухбирлари). Расмий дўстона визит билан Ҳиндистонда меҳмон бўлиб турган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков бугун Ватанига жўнаб кетди.

Деҳлининг Палам аэропортида уни Ҳиндистон Бош министри Р. Ганди кузатиб қолди.

Совет ҳукуматининг бошлиғи билан бирга унга ҳамроҳлик қилган расмий кишилар: СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. М. Каменцев, СССР маданият министри В. Г. Захаров, СССР олий ва ўрта махсус таълим министри Г. А. Ягодин, СССР ташқи иқтисодий алоқалар давлат комитетининг раиси К. Ф. Катушев, СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари Ю. М. Воронцов жўнаб кетдилар.

Кузатиб қолувчилар орасида Ҳиндистон одам ресурсларини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш ва оила фаровонлиги ишлари министри, Ҳиндистон ва СССР фестиваллари Ҳиндистон ташкилот комитетининг раиси П. В. Нарасимха Рао, бошқа ҳинд ва совет расмий кишилари, СССРнинг Ҳиндистондаги элчиси В. Н. Риков ва Ҳиндистоннинг СССР даги элчиси Т. Н. Кауль бор эдилар.

Аэропортда Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон республикасининг Давлат байроқлари кўтарилди, иккала мамлакатнинг Давлат гимнлари ижро этилди.

Н. И. Рижков фахрий қоровул сафларини айланиб чиқди.

* * *

Н. И. Рижков Ватанига жўнаб кетиш олдидан Деҳлида унинг матбуот конференцияси ўтказилди. Виғлян бхаван конференциялар залида СССР Министрлар Советининг Раиси визитни ёритган турли мамлакатлар журналистлари ҳузурида сўзга чиқди, шунингдек уларнинг кўпдан-кўп саволларига жавоб қайтарди.

Шу куни эрталаб совет ҳукуматининг бошлиғи Ҳиндистон парламентида бўлди, Ҳиндистон пойтахтининг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирди.

В. ЖАЛАГОНИЯ,
С. СОЛОВЬЕВ,
В. ТАЛАНОВ.

* * *

Москвадаги аэродромда Н. И. Рижковни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари Л. Н. Зайков, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ТАСС).

Э. А. Шеварднадзе Москвага қайтиб келди

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе Женевада АҚШ давлат секретари Ж. Шульц билан учрашганидан кейин 25 ноябрь куни у ердан Москвага қайтиб келди.

Аэропортда уни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Н. Яковлев, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ТАСС).

П. Н. ДЕМИЧЕВ ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари П. Н. Демичев «Ядросиз ва зўравонликдан холи дунё учун» мавзуидаги халқаро конференцияда қатнашиш учун 26 ноябрь куни Тошкентга келди.

Тошкент аэропортида П. Н. Демичевни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. Анишчев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. П. Романовский, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ЎзТАГ).

ҚУРОЛСИЗ ДУНЁ, АДОЛАТЛИ ХАЛҚАРО ТАРТИБОТ УЧУН

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев билан Ҳиндистон Бош министри Ражив Ганди Деҳли декларациясини имзолаганликларининг бир йиллигига бағишланган «Ядросиз ва зўравонликдан холи дунё учун» халқаро конференцияси 27 ноябрь куни Тошкентда иш бошлайди. Конференция ишида Осиё ва Африканинг қарийб йигирма мамлакатидан делегатлар иштирок этиши кутилмоқда. Улар орасида давлат арбоблари, тинчлик ва қуролсизланиш учун курашаётган сиёсий партияларнинг, жамоат ташкилотлари ва диний ҳаракатларнинг вакиллари бор.

Уч кун давом этадиган халқаро конференция қатнашчилари Деҳли декларациясининг ўнта принципини изчиллик билан амалга ошириш йўлида ялпи, шунингдек регионал кўламда вужудга келаётган тўсиқларни бартараф этиш билан боғлиқ проблемаларни муҳокама қиладилар. Ҳозир дунёда хавфли ва хароб қиладиган қуролланиш пойгасидан босқичма-босқич қуролсизланиш сари туб бурилиш ясаш учун қулай бир вазият вужудга келганлиги учун ҳам бўлғуси анжуманнинг аҳамияти каттадир. Тарихда биринчи марта икки классдаги ядро қуролларини тугатиш тўғрисида СССР билан АҚШ ўртасида дастлабки аҳдлашувга эришилди. Бу эса ўзаро боғлиқ яхлит дунё шароитларида Совет Иттифоқининг янги тинчлик таклифларини, янгича сиёсий тафаккурни амалга ошириш натижаси бўлди.

Конференция делегатлари инсониятни ядро ҳалокатидан қутқариб қолиш, планетада барча халқлар учун янги ва адолатли иқтисодий ҳамда ижтимоий тартибот яратишдек асосий вазифани ҳал этишни кўзловчи халқаро чора-тадбирлар системасини ишлаб чиқиш хусусида фикрлашиб оладилар.

(ЎзТАГ).

26 ноябрь куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. П. Романовский раислигида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг мажлиси бўлди.

Президиум Ўзбекистон ССР Юстиция министрлигининг суд кадрлари билан олиб бораётган ишини кўриб чиқди. Республика юстиция министри Б. Ғ. Олимжонов ҳисобот берди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Қонун лойиҳалари комиссиясининг раиси А. Г. Кадин мазкур масалани тайёрлашда қатнашган депутатлар группаси номидан ахборот берди.

Юстиция министрлиги ва унинг органлари КПСС XXVII съезди, партия Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларига амал қилиб, суд кадрлари билан ишлашга, адолатли суд қилишни такомиллаштиришга катта эътибор бера бошладилар. Кейинги вақтда бу масалалар коллегияларнинг мажлисларида тез-тез кўриб чиқиладиган бўлиб қолди, суд ходимларининг республикадаги маънавий-психологик иқлимни соғломлаштиришга, жамиятни салбий ҳолатлардан тозалашга қўшаётган ҳиссаси ошиб бормоқда. Бироқ бу иш КПСС Марказий Комитетининг «Социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлаш, гражданларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисида»ги қарори талабларига ҳали тўла-тўкис жавоб бермаяпти. Республикада одил судловни амалга ошириш даражаси ҳу вақтгача жиддий камчиликлардан халос этилган эмас, бу эса меҳнаткашларнинг ҳақли шикоятларига сабаб бўлмоқда.

Жиноий ишларни тўла-тўкис бўлмаган ҳолда ва бир томонлама кўриб чиқиш, гражданларнинг Конституцияда белгиланган ҳуқуқлари, жазони индивидуаллаштириш принципи, жиноий-процессуал қонун нормалари бузилиши туфайли ҳар йили судлар чиқарган кўпгина ҳукмлар бекор қилинмоқда ва ўзгартирилмоқда.

Халқ судларида халқ мулкини талон-торож қилувчилар, порахўрлар, чайқовчилар, ҳалол меҳнат қилишдан қатъий бўйин товлаётган шахсларга нисбатан кўнгилчанлик қилиш ҳолларига барҳам берилмаган. Судлар ўғирлик, порахўрлик, чайқовчилик учун жазоланган кишиларнинг кўпига нисбатан мол-мулк мусодара қилинишини қўлламаганлар. Кўпинча топширилган ишларни кўриб чиқишнинг қонунда белгиланган муддатлари қўпол равишда бузилмоқда. Ишларни кўриб чиқиш атайлаб кечиктирилаётгани судьяларнинг етарли маълумотга эга эмаслиги оқибатида гражданларни асоссиз жазолаш фактлари учраб турибди.

Айрим судьяларнинг ишида бюрократизм ҳамон кенг тарқалган. Юстиция министрлиги мана шу ҳолатларга қарши суст кураш олиб бормоқда, Навоий, Тошкент, Қашқадарё, Сурхондарё, Фарғона, Андижон, Жиззах область ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитетининг юстиция бўлимлари раҳбарлари эса амалда бу ишдан ўзларини четга олганлар.

Суд қарорларини, айниқса жиноятлар натижасида етказилган моддий зарарни қоплашга оид суд қарорларини ижро этиш соҳасидаги ишларни ташкил этишни тубдан яхшилаш зарур. Суд органларининг ишидаги камчиликлар тўғрисида меҳнаткашлардан ҳамон кўплаб шикоятлар тушмоқда, бироқ министрлик бу шикоятларни кўпинча расмиятчилик билан кўриб чиқмоқда, улардан зарур хулосалар чиқарилмаяпти.

Мажлисда министрлик ва унга қарашли органларнинг раҳбарлари судларнинг ишига кескин, принципиал баҳо бермаётганликлари, камчиликлар ва нуқсонларни бартараф этиш юзасидан таъсирчан чоралар кўрмаётганликлари айтиб ўтилди. Министрлик кадрлар бошқармалари ва суд органларининг, область юстиция бўлимларининг бошлиқлари кадрларни амалий ишда зарур даражада ўрганмаяптилар, социалистик қонунчиликка қанчалик қаттиқ риоя қилинаётганлигини таҳлил этмаяптилар. Кадрларнинг ишчанлик ва маънавий фазилатларини ўрганишда анкета йўли билан ёндашувга жуда секин барҳам берилмоқда, уларни танлаш ва жой-жойига қўйиш тор доирада амалга оширилмоқда, бу ишда талабчанлик қилинмаяпти, ошкоралик йўқ, сифатли ва ишончли резерв вужудга келтирилмаган.

Судлар учун зарур шарт-шароит яратиш тўғрисида етарли ғамхўрлик қилинмаяпти. Уларнинг кўпи адолатли суд қилиш талабларига жавоб бермайдиган ноқулай биноларда жойлашган.

Президиум Ўзбекистон ССР Юстиция министрлигини судьялар фаолиятини такомиллаштириш, социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш, гражданларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид иши ҳозирги замон талабларига жавоб бермаётганлигини уқтириб ўтди ва бу борадаги фаолиятни тубдан қайта қуриш вазифасини юклади. Шу билан бирга Ўзбекистон ССР Олий Судига жиноий ва граждан ишларини судлар сифатли кўриб чиқиши ўстидан назоратни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, судларнинг ваколатларини рўёбга чиқаришда уларга зарур ёрдам бериш вазифаси топширилди. Ўзбекистон ССР Прокуратурасига судлар қонунларга аниқ ва оғишмай риоя этишлари устидан прокурор назорати таъсирчанлигини ошириш тавсия этилди.

Президиум республика халқ депутатлари Советларига судларнинг одил судловни амалга ошириш ва қонунчиликни мустаҳкамлашга оид ишларида уларга бутун чоралар билан ёрдам бериш, юстиция органлари ишига раҳбарлик қилиш ва контролни кучайтириш, уларнинг меҳнат коллективлари ва аҳоли билан алоқаларини мустаҳкамлаш, суд ва юстиция органлари раҳбарларининг ўз фаолияти ва одил судловнинг аҳволи тўғрисидаги ҳисоботлари ва ахборотлари доимий комиссиялар, ижроия комитетларнинг сессияларида, мажлисларида мунтазам кўриб чиқилишини таъминлаш вазифасини юклади.

Мажлисда республика давлат турмушининг бошқа масалалари кўриб чиқилди ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул этилди.

Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. Анишчев, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Т. А. Ешимбетова, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзолари П. М. Абдураҳмонов, К. И. Охунбобоев, П. П. Мельников, Г. А. Стефановский қатнашдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

СССР аҳолисининг саломатлигини муҳофаза қилишни ривожлантириш ва соғлиқни сақлашни қайта қуришнинг ўн иккинчи беш йилликка ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари

(Давоми. Боши 1-бетда).

Совет соғлиқни сақлаш системасининг муваффақиятларида профилактиканинг роли шубҳасиздир. Шу билан бирга СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги, ВЦСПС, министрликлар ва идоралар, халқ депутатлари маҳаллий Советлари профилактик йўналишнинг имкониятларидан ҳамон етарли равишда фойдаланмаяптилар. Профилактика кўп жиҳатдан декларатив тусда бўлиб келмоқда ва кенг миқёсда соғломлаштириш тадбирларини амалга оширишни назарда тутмаяпти.

Ижтимоий ишлаб чиқариш миқёслари кенгайиб, уни интенсивлаш тобора кучайиб бораётган бир шароитда инсон соғлиғини сақлаш ҳамда мустаҳкамлашга доир комплекс давлат ва регион программалари алоҳида аҳамият касб этади.

Табиатни муҳофаза қилишга оид кенг миқёсли тадбирларнинг амалга оширилишини касалликларнинг олдини олиш борасидаги оммавий ишнинг ажралмас қисми, деб ҳисоблаб, атроф-муҳитни ифлослантириш, шовқин манбаи бўлган корхоналарнинг уй-жойлар қурилаётган районлардан четга чиқарилишини таъминлаш, зарарли ташландиларга йўл қўймайдиган чиқитсиз ва кам чиқитли технологияларни актив жорий этиш керак. Тозалаш иншоотлари бўлмаган ҳамда санитария-ҳимоя зоналарини ташкил этмаган саноат корхоналари ва қишлоқ хўжалик объектларининг фойдаланишга топширилишига ҳамда ишлатилишига йўл қўйилмасин. Ҳамма жойда аҳолининг яхши ичимлик сувга бўлган талаб-эҳтиёжлари қондирилсин, ҳаво ҳолатини нормаллаштириш юзасидан кечиктирмай чора-тадбирлар кўрилсин. Инсон соғлиғига ва атроф-муҳитга зиён етказадиган корхоналарга нисбатан янада қаттиқ иқтисодий жазо чоралари жорий этилсин. Экология мувозанатини сақлашга қаратилган тадбирларни амалга оширишда халқ депутатлари Советлари ижроия комитетларининг, министрликлар ва идоралар-нинг роли кучайтирилсин. СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги атроф-муҳитнинг ифлосланишига қарши курашни профилактик фаолиятнинг энг муҳим йўналишларидан бири, деб ҳисоблаб, бу курашни ташкил этиш ишини кучайтириши керак.

Давлат санитария назорати органлари тупроқ, сув ҳавзалари ва ҳавони санитария жиҳатидан муҳофаза этишга оид қонунларга сўзсиз риоя қилиниши, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда санитария-гигиена ҳамда эпидемияга қарши қоидалар ва нормалар бажарилиши учун мавжуд ҳуқуқий воситалардан янада қатъий ва самарали фойдаланишлари лозим.

Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советлари, халқ депутатлари ўлка ва область Советларининг ижроия комитетлари, СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги, ВЦСПС, министрликлар ва идоралар касалга чалиниш ва шикастланишнинг олдини олиш ҳамда уларни камайтириш юзасидан кенг миқёсли комплекс тадбирлар амалга оширилишини таъминласинлар. 2000 йилга бориб меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотиб, касалга чалиниш ҳоллари 15—20 процент камайишига эришилсин. Шу мақсадда ишлаб чиқаришдаги шикастланиш ва касб касаллигига чалинишни камайтиришга, қўл меҳнатининг ва сиҳат-саломатликка ёмон таъсир қилувчи ишлаб чиқариш омилларига эга бўлган иш жойларининг улушини қисқартиришга, хотин-қизларни меҳнат шароитлари оғир ва зарарли участкаларда ишлашдан озод қилишга, шунингдек хавфсизлик техникасини ва меҳнаткашларнинг дам олиш шароитларини яхшилашга қаратилган тармоқ ва территориал «Сиҳат-саломатлик» программаларининг бажарилиши устидан назорат кучайтирилсин.

Бу масалаларга халқ контроли органлари ва кенг жамоатчилик эътибори жалб қилинсин. «Сиҳат-саломатлик» программаларининг асосий қоидалари тегишли регионларни ҳамда халқ хўжалиги тармоқларини социал-иқтисодий ривожлантириш жорий ва перспектив планларига киритилсин.

Мамлакатнинг бутун территориясида амал қилаётган ҳамда СССРнинг барча корхоналари, муассасалари, ташкилотлари, мансабдор шахслари ва гражданлари учун мажбурий бўлган санитария-гигиена нормаларига риоя этиш қоидалари ва тартиби ягона давлат ҳужжати тарзидаги кодексда ифодалаб берилиши зарур, деб ҳисоблансин.

СССР Давлат агросаноат комитети, СССР Савдо министрлиги, Центросоюз, давлат санитария назорати органлари озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш барча босқичларида талабчанликни кучайтирсинлар, инсон соғлиғи учун зарарли бўлган моддаларнинг озиқ-овқат маҳсулотларига ўтиб қолиш эҳтимолига йўл қўймаслик мақсадида минерал ўғитлар, қишлоқ хўжалик заҳарли химикатлари ҳамда бошқа химиявий воситалар қўлланилишини айниқса синчиклаб назорат қилсинлар.

Озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш, ташиш ва реализация қилиш жараёнлари устидан назорат кучайтирилсин. Технология талаблари бузилган ва санитария-гигиена нормативларига мос келмайдиган озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилишига йўл қўйилмасин. Озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига белгиланган СССРнинг давлат стандартлари илмий асосланган гигиена талабларига мувофиқ ҳолга келтирилсин. Сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишдан келиб чиқадиган ҳар қандай касалликларнинг эҳтимолига йўл қўймаслик учун умумий овқатланиш корхоналарида санитария-гигиена қоидаларига риоя этилишига алоҳида эътибор берилсин.

Прокуратура ва санитария назорати органлари санитария-гигиена ва эпидемияга қарши қоидалар ҳамда нормаларини бузиш фактларини аниқлаш юзасидан узилкесил чоралар кўрсинлар, совет кишиларининг сиҳат-саломатлиги ва ҳаётини пухта муҳофаза қилиш мақсадида ҳуқуқий, воситаларни фаолроқ қўлласинлар, айбдорларни белгиланган тартибда моддий, интизомий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортсинлар.

Бекаму кўст ва яхши овқатланишнинг аҳоли сиҳат-саломатлиги учун катта аҳамиятга эга эканлигини эътиборга олиб, озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатини яхшилаш ва улардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари изчиллик билан амалга оширилсин. Озиқ-овқат маҳсулотларининг биологик қимматини характерлайдиган кўрсаткичларни СССР давлат стандартларига киритиш кўзда тутилсин. Биологик қиммати юқори, таркибида мол ёғи, қанд-шакар, ош тузи миқдори кам бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, шунингдек ўсимлик ёғлари, парҳезбоп маҳсулотлар, сервитамин ва серо қсил маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўпайтирилсин. 1991 йилгача гўдакларнинг пастасимон суюқ сут маҳсулотларига, болалар консерваларига, мосланган қуруқ сутли омихталарга бўлган эҳтиёжи тўлатўкис қондирилсин.

Шу билан бирга овқат рациони организмнинг энергия сарфига ва физиологик эҳтиёжларига мувофиқ бўлиши учун овқатланиш маданиятини оширишга оид санитария-маориф ишини активлик билан олиб бориш лозим.

Ҳар бир киши ва бутун жамиятнинг соғлом турмуш тарзини қарор топтириш профилактик фаолиятнинг асоси бўлиши керак. Умумхалқ мулки бўлмиш сиҳат-саломатликка нисбатан онгли ва масъулиятли ёндашиш барча совет кишилари турмуши ва ахлоқининг нормаси бўлиб қолиши керак. Бу эса зарарли одатларни тугатишни, муомала, юриш-туриш, овқатланиш маданиятини тарбиялашни, меҳнат ва дам олиш тартибига риоя этишни, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишни, умумий санитария маданияти ва гигиена билимларини оширишни, шахснинг ўйғун равишда камол топишини назарда тутади.

Бу соҳада аниқ мақсадни кўзлаб олиб бориладиган иш болаликдан бошланиши керак. Бола саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашда оиланинг роли ва масъулиятини ошириш, ота-оналарга болаларнинг гигиеник тарбияси ва парвариш қоидаларини ўргатишни яхшилаш зарур. Мактабгача тарбия болалар муассасаларининг иш практикасига болаларни чиниқтириш ва ҳар томонлама ривожлантиришнинг замонавий усулларини кенг жорий қилиш чоралари кўрилсин.

СССР Маориф министрлиги, СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, СССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети, СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ҳамда СССР Қизил Крест ва Қизил Ярим Ой жамиятлари союзи билан биргаликда ёш авлодни гигиеник тарбиялаш ва уни биринчи медицина ёрдами кўрсатиш усулларига ўргатиш программасини ишлаб чиқсинлар, ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун шарт-шароитларни фаоллик билан яратиб берсинлар, мактабларда, ҳунартехника билим юртларида, пионер лагерлари ва болаларга ота-оналар санаторий-профилакторийларида соғломлаштириш тадбирлари албатта ўтказиб турилсин. Заиф ва тез-тез касал бўладиган болалар учун санаторий типидаги мактабгача махсус муассасалар ташкил этилсин.

1989 йилда аҳолининг жисмоний тарбияси ягона программаси ишлаб чиқилиб, жорий этилсин, турли ёш ва жинсдаги группаларнинг жисмоний тайёргарлиги ва ҳаракат активлигининг илмий асосланган нормалари ҳамда талаблари белгилаб берилсин.

Ўн иккинчи — ўн учинчи беш йилликларда умумий таълим мактабларида, ҳунартехника билим юртларида, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқувчилар ва студентларнинг ҳаракат нагрузкаси ҳафтасига камида 6-8 соатни ташкил этишини кўзда тутиб, қўшимча жисмоний тарбия машғулотлари жорий этилсин. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ҳузуридаги спорт секцияларининг шохобчаси кенгайтирилсин, истиқомат жойларида хўжалик ҳисобидаги «Физкультура ва сиҳат-саломатлик» бирлашмалари тузилсин. Спорт-соғломлаштириш иншоотларидан фойдаланиш самарадорлиги оширилсин. Меҳнат коллективларининг маблағлари ҳисобига (уларнинг розилиги билан) сиҳат-саломатлик марказлари, шу жумладан чиниқиш, жисмоний машқ, руҳиятга дам бериш ва соғлиқни мустаҳкамлашнинг бошқа воситаларидан кенг фойдаланиладиган, хўжалик ҳисобига асосланган марказлар ҳам тузилсин.

Аҳолининг жисмоний ривожланишини такомиллаштириш соҳасида соғлиқни сақлаш ва физкультура органларининг иши тубдан қайта қурилсин ва уларнинг баҳамжиҳат ҳаракати яхшилансин.

Ҳозирги шароитда санитария-гигиена билимларини фаол тарғиб қилиш профилактик фаолиятнинг энг муҳим вазифасидир. Оммавий ахборот воситалари соғлиқни сақлаш органлари ҳамда Қизил Крест ва Қизил Ярим Ой жамиятлари билан биргаликда аҳолининг гигиена тарбияси ва санитария маорифи, жумладан жинсий тарбия ва оилавий турмушга тайёрлаш масалалари юзасидан телевизион кўрсатув ва радиоэшиттиришлар, газета ва журнал мақолалари кўпайтирилиб, эълон қилинадиган материалларнинг тушунарли ва ишонарли бўлишига алоҳида эътибор берсинлар. Профилактика ва соғломлаштириш тадбирларини ўтказиш соҳасидаги иш тажрибаси кенг ёритиб борилсин.

СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари юқумли касалликларни, аввало грипп ва нафас йўлларининг бошқа ўткир касалликларини анча камайтириш тадбирларини амалга оширсинлар. Вақтинча ишга яроқсизлик ҳолларининг ярмига яқини шу касалликлар улушига тўғри келмоқда, йилига эса салкам 3,5 миллиард сўм иқтисодий зарар кўрилмоқда. Шу мақсадда касалланишнинг профилактик ва даволашнинг самарали воситаларини ишлаб чиқилсин, умумий гигиена ва чиниқтириш усулларидан болалар ўртасида айниқса кенг фойдаланилсин, эмлаш ишини ташкил этиш яхшилансин. Ичимлик сув ва озиқ-овқат маҳсулотларининг микроб ҳамда вирус билан булғанишига йўл қўймаслик ҳисобига ичак инфекциялари ва вирусли гепатит касаллиги камайтирилсин.

Ҳозирги ва келажак авлодларнинг сиҳат-саломатлиги тўғрисидаги ғамхўрлик ичкиликбозлик ва алкоголизмга, гиёҳвандлик ва кашандаликка қарши курашни кескин кучайтиришни, шу мақсадда самарали дори-дармонларни ва даволаш методларини яратишни талаб қилади. Санитария тарғиботининг ҳужжумкорлигини кучайтириш, аҳолига спиртли ичимликлар, наркотик моддалар истеъмол қилишнинг зарарини ишонарли тарзда ва яхшилаб тушунтириб бериш зарур. 1988 йилда медицина, иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий ва тарбиявий тадбирларнинг кенг комплексини кўзда тутувчи кашандаликни тугатиш давлат программаси ишлаб чиқилсин.

Профилактик фаолиятнинг ҳозирги стратегиясида аҳолини ялпи диспансер кўригидан ўтказиш муҳим ўрин олади. Бу тадбир турли касалликлари барвақт аниқланган, шунингдек муҳитнинг ёки турмуш тарзининг соғлиқ учун нохуш омилларига таъсирига учраган шахсларни аниқлаш мақсадида ҳар бир кишини ҳар йили медицина текширувидан ўтказиб туришни ва зарур соғломлаштириш тадбирларини амалга оширишни назарда тутади. Ялпи диспансер кўригидан ўтказиш совет кишисининг ва умуман жамиятнинг сиҳат-саломатлигини баҳолаш ҳамда узлуксиз назорат қилиб туришнинг ягона системасини вужудга келтириш имконини беради. Бу система фан-техника тараққиёти ютуқларига таяниб, касалликнинг вужудга келиши ва зўрайиб кетишига сабаб бўла оладиган ҳар қандай иллатнинг олдини олиш чоралари ўз вақтида амалга оширилишини фаол таъминлаши лозим. Ўз миқёси ва социал аҳамияти жиҳатидан жуда катта бўлган мана шу программани амалга ошириш совет соғлиқни сақлаш системасини ривожлантиришда сифат жиҳатдан янги босқич бўлади, бу босқичда давлат ҳар бир гражданнинг соғлиғи тўғрисидаги ғамхўрликни энг олий даражада ўз зиммасига олади, яъни инсонни унинг бутун умри давомида фаол, узлуксиз кузатиб туради ва соғломлаштиради.

Диспансерлаш икки босқичда амалга оширилсин: 1991 йилгача сурункали беморлар билан бир қаторда ҳамма жойда болалар ва ўсмирлар, ўқувчи ёшлар, ҳомиладор аёллар, уруш ветеранлари, саноат ҳамда қишлоқ хўжалиги айрим тармоқларининг ишчи ва хизматчилари, 1995 йилгача эса мамлакатнинг бутун аҳолиси диспансер кўригидан ўтказилсин.

СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, ВЦСПС, соғлиқни сақлаш органлари, СССР Қизил Крест ва Қизил Ярим Ой жамиятлари союзи ялпи диспансерлашнинг мақсад ва вазифаларини аҳолига тушунтириш иши самарадорлигини оширишлар, бу ишда кенг медицина жамоатчилигининг иштирокини кучайтирсинлар.

Диспансер кўригидан ўтиш ҳамда профилактик ва соғломлаштириш тадбирларида фаол қатнашиш СССР ҳар бир гражданининг бурчи, деб ҳисоблансин.

II. Аҳолига медицина ёрдами кўрсатиш сифатини ошириш— соғлиқни сақлаш системасининг бош вазифаси

Совет кишиларининг сифатли медицина ёрдамига бўлган талаб-эҳтиёжларини ҳамма жойда ўз вақтида, тўла таъминлаш соғлиқни сақлаш органлари ва муассасаларининг бош вазифасидир. Шу мақсадда соғлиқни сақлаш органлари ва муассасаларининг фаолияти ишни ташкил этишнинг илғор усулларидан, профилактика, диагностика ва даволашнинг янги технологияларидан, замонавий метод ва воситаларидан фаол фойдаланиб, тубдан қайта қурилсин. Шу билан бирга соғлиқни сақлаш системасини ривожлантиришнинг интенсив йўлига ва унинг фаолиятига пировард натижаларга қараб баҳо беришга ўтиш таъминлансин.

Соғлиқни сақлаш системасининг асосий бўғини — соғлом ва бемор кишиларни муттасил кузатиб турадиган, профилактика, даволаш-диагностика ва соғломлаштириш тадбирларининг кенг комплекси ўтказилишини таъминлайдиган амбулатория-поликлиника муассасалари тармоғини жадал ривожлантириш ҳамда уларнинг моддий-техника базасини анча мустаҳкамлаш кўзда тутилсин.

Касалхонага жойлаштиришдан аввал катта ёшдаги аҳоли ва болалар ўртасида диагностика тўлароқ ва ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш мақсадида диагностика марказлари тармоғи ташкил этилиб, уларда замонавий ва юксак самарали асбоб-ускуна ҳамда медицина техникаси — компьютер томографлари, ультратовуш ва радиоизотоп, рентгеноконтраст ҳамда бошқа текшириш методлари учун мўлжалланган аппаратлар, шунингдек юқори малакали мутахассис кадрлар тўплансин.

Ўн учинчи беш йиллик охиригача ҳар бир республика, ўлка, областда диагностика марказлари ташкил қилинсин. Поликлиника типидаги консультация-диагностика хизматини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш учун олий медицина ўқув юртларининг, врачлар малакасини ошириш институтларининг, илмий тадқиқот муассасаларининг, кўп профилли касалхоналарнинг имкониятларидан тўлатўкис фойдаланилсин.

Поликлиникаларда ва уйларда текшириб кўриб даволанадиган кишилар кўпайтирилсин. Диспансерларнинг иши қайта қурилсин, уларнинг ишида амбулатория-поликлиника муассасалари билан узвийлик таъминлансин. Поликлиникалар ҳузурида замонавий диагностика методларини қўлланиб, дори-дармонларни бепул бериб, актив даволаш бўлинмаларини ва уйда хизмат қиладиган стационарларни ташкил қилиш практикаси давом эттирилсин.

Касалликларнинг олдини олиш ва аҳолини соғломлаштириш бўйича поликлиникалар ва диспансерларнинг иши анча кучайтирилсин, беморларни медицина-социал жиҳатдан сафга қайтаришда уларнинг роли оширилсин ҳамда шу муассасаларнинг фаолиятида давомийлик таъминлансин. 1990 йилгача ҳамма поликлиникаларда профилактика ва беморларни асли ҳолатига келтирувчи даволаш бўлимлари (кабинетлари)ни ташкил этиш ниҳоясига етказилсин. Ишлаб чиқариш тармоқларининг корхоналари ҳамда ташкилотлари иш режимини эътиборга олиб, меҳнаткашларга асосан ишдан бўш вақтларида касалхонадан ташқари ёрдам берилсин.

Комплекс даволаш — профилактика ва соғломлаштириш чора-тадбирларини амалга оширувчи, аҳолининг соғлиғи қай ҳолатда эканлигини мунтазам кузатиб турувчи асосий мутахассис — участка врачининг роли ва обрў-эътибори кучайтирилсин. Унинг самарали фаолияти учун барча зарур шароитлар яратилсин.

Амбулатория-поликлиника муассасаларининг раҳбарлари территориал врач участкаларига ходимларни биркитиш чоғида ўша жойдаги хизмат кўрсатилаётган аҳолининг таклифларини ҳисобга олсинлар.

«Оила врачи» принципига мувофиқ медицина ёрдами кўрсатилишига босқичма-босқич ўтиш йўли амалга оширилсин.

Медицина ёрдами кўрсатишда давомийликни таъминлаш учун ҳужжатлар унификациялаштирилсин, СССРнинг ҳар бир граждани учун медицина паспорти жорий этилсин. Врачлар ўзларига хос бўлмаган вазифалардан озод қилинсин, уларнинг куч-ғайрати профилактика ва даволаш чора-тадбирларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган бевосита ишга сарфлансин.

Аҳолининг медицина ёрдамининг айрим турларига бўлган талаб-эҳтиёжини қондириш имкониятларини кенгайтириш мақсадида ўн иккинчи-ўн учинчи беш йилликларда ҳар бир республика, ўлка ва область марказларида хўжалик ҳисобидаги поликлиникалар, шу жумладан стоматология ва физиотерапия, шунингдек косметология шифохоналари ҳамда соғломлаштириш комплекслари ташкил этилсин.

Кўп профилли касалхоналар ва ихтисослаштирилган марказлар тармоғини ривожлантириш, даволаш-диагностика жараёнини интенсивлаш, юқори малакали кадрлардан, замонавий медицина асбоб-ускуналаридан ва самарали дори-дармонлардан мумкин қадар кўпроқ фойдаланиш, даволаш жараёнини ташкил этишда босқичма-босқич ёрдам кўрсатишни жорий этиш аҳолига стационар ёрдамни яхшилашнинг асосий йўналиши, деб ҳисоблансин. Анестезиология, реанимация ва интенсив терапия бўлимлари (палаталари) беморларни асли ҳолатига келтирувчи даволаш касалхоналари ва бўлимлари сони кўпайтирилсин. Беморлар кундузи келиб даволаниб кетадиган стационарлар, доимо парваришга муҳтож бўлган шахслар учун хўжалик ҳисобидаги ва бюджет таъминотидаги, шу жумладан ихтисослаштирилган пансионатлар ташкил қилинсин.

Санаторий-курорт ёрдамининг сафга қайтариш мақсадидаги йўналиши авж олдирилсин, ўткир миокард инфаркти, юрак ва асосий қон томирлари операциясини бошдан кечирган, оғир жароҳат оқибатлари бўлган ҳамда бошқа беморларни батамом соғайгунча даволаш учун барча регионларда санаторийлар ва бўлинмалар ташкил қилинсин. Санаторий-курортларда даволаш ва дам олиш самарадорлиги оширилсин. Қон айланиш, ҳазм, нафас органлари, нерв системаси касалланган беморлар учун ихтисослаштирилган санаторийлар тармоғи кенгайтирилсин, санаторий ёрдами аввало иқтисодий жиҳатдан жадал ўзлаштириб борилаётган регионларда маҳаллий курортларни ривожлантириш йўли билан аҳолининг доимий истиқомат жойларига мумкин қадар кўпроқ яқинлаштирилсин.

Медицина ходимлари меҳнатини ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада формаларини кенг қўлланиш, хизмат зоналарини кенгайтириш, касбларда ўриндошлик қилиш, кичик механизация воситаларидан фойдаланиш йўли билан беморларни парвариш қилиш яхшилансин. Бу ишга медицина институтларининг студентлари ва ўрта медицина ўқув юртларининг, умумий таълим мактабларининг ўқувчилари, Қизил Крест ва Қизил Ярим Ой жамиятларининг активлари жалб этилсин. Беморларни парвариш қилишни таъминлаш ва дори-дармонларни уйга элтиб бериш учун якка тартибдаги меҳнат фаолияти тўғрисида СССР Қонунида кўзда тутилган имкониятлардан фойдаланилсин. Ҳоналарни супуриб-сидириш ва саранжом-саришта сақлаш, шунингдек бошқа турдаги хизматларни кўрсатиш юзасидан коммунал-маиший хизмат корхоналари билан шартномалар тузиш практикаси кенгайтирилсин. Барча даволаш-профилактика муассасаларида санитария-гигиена режимига қатъий риоя этиш таъминлансин.

Аҳолига зудлик билан кўрсатиладиган шошилинч ёрдамни оператив равишда таъминлаш мақсадида касалхонадан аввалги ва касалхона босқичларини ҳисобга олиб тез ҳамда кечиктириб бўлмайдиган медицина ёрдами системасини ташкил этиш ниҳоясига етказилсин. Бу система махсус транспорт ва алоқа воситалари, замонавий техника, зарур реактивлар ва дори-дармонлар билан таъминлансин.

Республика, ўлка ва область марказларида, аҳолиси 1 миллион кишидан ошадиган шаҳарларда тез ва кечиктириб бўлмайдиган ёрдам станцияларини, санитария авиациясини ҳамда катталар ва болалар учун тез медицина ёрдами касалхоналарини ўз ичига оладиган «тез медицина ёрдами» бирлашмалари тузилсин.

СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги билан СССР Юстиция министрлиги тез медицина ёрдамини ёлғондан чақирганлик учун гражданларнинг маъмурий жавобгарлиги тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсинлар.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилишни бутун чоралар билан ривожлантириш ва такомиллаштириш совет соғлиқни сақлаш системасининг устун йўналиши, деб ҳисоблансин. Аёллар ва болалар учун амбулатория-поликлиника муассасаларининг, туғуруқхоналар ва болалар стационарларининг ишини тубдан қайта қуриш, уларнинг профилактик фаолияти даражасини ошириш, соғлом турмуш тарзини пропаганда қилишни кучайтириш зарур. Касалликларнинг олдини олишни таъминлаш ҳамда ёш авлоднинг саломатлик даражасини ошириш учун акушерлик, терапия ва педиатрия хизматларини ташкил этиш ҳамда идоралараро регионал программаларни ишлаб чиқиш асосида аёллар, болалар ва ўсмирларга медицина ёрдами кўрсатиш системаси такомиллаштирилсин.

Чала туғишнинг олдини олиш, чақалоқларнинг касал бўлиши ва ўлишини камайтириш мақсадида кўп профилли касалхоналар ҳузурида юраги, ўпкаси, буйраги, эндокрин системаси касал бўлган ҳомиладор аёллар учун ихтисослаштирилган бўлимлар (палаталар) ташкил қилинсин. Ҳомиладорлиги одатдагидек ўтмаётган аёллар учун ихтисослаштирилган туғуруқхоналар ва бўлинмалар тармоғини ривожлантириш давом эттирилсин. Бемор болаларни парвариш қилиш учун касалхонада ётган оналарнинг касалликларини даволашда уларнинг шифохонада бўлиш вақтидан кенгроқ фойдаланилсин.

Бўйида бўлишдан сақлайдиган замонавий методларни кенг жорий этишни кўзда тутиб, аёллар консультацияларининг абортлар олдини олиш борасидаги иши қайта қурилсин. Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг пойтахтларида, ўлка ва область марказларида ҳомила касаллигини туғилишдан олдин аниқловчи кабинетлар, «Никоҳ ва оила» консультациялари, медицина-генетика кабинетлари ва болалар учун беморни асли ҳолатига келтирувчи даволаш марказлари ташкил қилинсин. Туғуруқхоналарда ва болалар касалхоналарида она билан болани бирга бўлиши учун шароитлар яратилсин.

Аёллар ва болаларга шошилинч ёрдам кўрсатишнинг кўчма турлари ривожлантирилсин. Катта кўп профилли болалар касалхоналари ва туғуруқхоналар, тез ва шошилинч медицина ёрдами станциялари ҳузурида чақалоқлар ва чала туғилган болалар, гўдаклар, ҳомиладорлиги ва кўзи ёригандан кейинги даври одатдагидек ўтмаётган аёллар учун мўлжалланган ихтисослаштирилган интенсив терапия ва реанимация бригадалари ташкил қилинсин. Болалар учун кундузги стационарлар тармоғини вужудга келтириш кўзда тутилсин, 1995 йилга бориб барча муҳтож болалар турли хил санаторий-курортларда даволаниши таъминлансин, болалар санаторийлари, йил бўйи ишлайдиган санаторий типидаги пионер лагерлари тармоғи кўпайтирилсин; ҳомиладор ходимларни ва болаларни соғломлаштириш учун саноат ҳамда қишлоқ хўжалик корхоналарининг санаторий-профилакторийларидан меҳнат коллективларининг розилиги билан кенгроқ фойдаланилсин.

СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги, СССР министрликлари ва идоралари, ВЦСПС медицина-санитария ёрдамини такомиллаштирсинлар.

Территориал шаҳар поликлиникаларида салкам 1000 киши ишлайдиган саноат корхоналарининг ходимлари учун цехда медицина хизмати ривожлантирилсин. 1987—1990 йилларда цех врачлик участкалари кичиклаштирилиб, уларнинг ҳар бирида хизмат кўрсатиладиган одамлар 1600 нафарга етказилсин.

Қишлоқда медицина ёрдами кўрсатиш даражаси оширилсин. Марказий район касалхоналари қишлоқ аҳолисига малакали медицина ёрдами кўрсатувчи асосий муассасалар эканлигини ҳисобга олиб, янги касалхоналар қуриш ва ишлаб турганларини реконструкция қилиш, колхозлар, совхозлар ҳамда бошқа корхоналарнинг маблағларини кооперациялашдан кенг фойдаланиш ҳисобига уларнинг моддий-техника базаси анча мустаҳкамлансин. Қишлоқ аҳолисининг ихтисослаштирилган ёрдамга бўлган эҳтиёжини таъминлаш мақсадида районлараро ихтисослаштирилган касалхоналар, диспансерлар ва бўлимлар сони кўпайтирилсин.

Участка касалхоналари янада мустаҳкамлансин, улардан марказий район касалхоналарининг бўлимлари сифатида, шунингдек ёлғиз ва кекса одамларга социал ёрдамни ташкил этиш учун фойдаланиш практикаси кенгайтирилсин. Қишлоқда профилактик тадбирларни амалга оширишда фельдшерлик-акушерлик пунктларининг роли кучайтирилсин.

Медицина ёрдами ва дори-дармон билан ёрдам беришнинг кўчма турлари: врачлик амбулаториялари, клиника-диагностика лабораториялари, дорихоналар, флюография, стоматология кабинетлари ҳамда бошқа кабинетлар ривожлантирилсин. 1990 йилгача ҳар бир районда тез ва шошилинч медицина ёрдами станциялари (бўлимлари) ташкил этиб бўлинсин, улар врач кадрлар билан таъминлансин.

Консультация-диагностика, даволаш ва методика марказлари сифатида республика, ўлка ҳамда область касалхоналарининг роли оширилсин, қишлоқ аҳолисига юқори малакали медицина ёрдами кўрсатиш учун шаҳарлардаги катта ихтисослаштирилган ва кўп профилли касалхоналардан, шунингдек диагностика марказларидан кенгроқ фойдаланилсин.

Меҳнат муҳофасаси ва ҳавфсизлик техникасини яхшилаш, соғломлаштириш тадбирлари ўтказиш, медицина ёрдами ва врачлик экспертизаси сифатини ошириш асосида ишчиларнинг меҳнат қобилиятини вақтинча ва муқим йўқотишига сабаб бўладиган касалликларни тобора камайтиришга эришилсин.

Аҳоли касалланиши ва ўлимини янада камайтиришнинг, медицина ёрдами сифатини оширишнинг зарур шарти медицина ёрдамининг ихтисослаштирилган турларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашдир. Бунинг учун микрохирургия, электрокардиостимуляция, бўғимларни протезлаш, орган ва тўқималарни кўчириб ўтказиш, юрак-қон томир хирургияси, сурункали буйрак етишмовчилиги ва бошқа касалликлар билан оғриган беморларни даволаш бўлимлари ва филиаллари бўлган Бутуниттифоқ, республика, областлараро (регионал) марказлар тармоғи вужудга келтирилсин.

Ўн иккинчи беш йилликда барча республика, ўлка ва область марказларида кардиология диспансерлари ташкил этиш ниҳоясига етказилсин, поликлиникаларда кардиология кабинетлари, стационарларда бўлимлар сони кўпайтирилсин.

Онкологик беморларни самарали даволаш таъминлансин, замонавий диагностика методларидан фойдаланиб, хатарли ўсмаларни барвақт аниқлашга алоҳида эътибор берилсин. Аҳолига онкология ёрдамини планлаштириш чоғида касалликнинг регион бўйича тарқалиш хусусиятлари ва уларни прогноз қилиш эътиборга олинсин, барча иттифоқдош республикаларда онкология марказлари ташкил этилсин, онкология диспансерлари, радиология корпуслари қурилиши кенгайтирилсин. Улар замонавий диагностика ва даволаш аппаратлари билан жиҳозлансин, радиоизотоп препаратлар ва дори-дармонлар билан таъминлансин, аҳолининг хатарли ўсмалар айрим формалари билан касалланиши ва ўлими камайтирилсин.

Хирургия ёрдами даражаси оширилсин. Кардиохирургия, қон-томир, ортопедия, травматология, нейрохирургия, урология, проктология бўлимлари, куйганлар даволанадиган ҳамда бошқа ихтисослаштирилган бўлимлар ривожлантирилсин ва мустаҳкамлансин. Ўткир хирургик касалликлар билан оғриган ва шикастланган беморларни даволаш бўлимлари яна ҳам самарали даволаш таъминлансин, микрохирургия, диализ методларидан анча кенг фойдаланилсин, органлар ва тўқималарни кўчириб ўтказиш, янги операция усуллари кенг жорий этилсин.

Аҳолига, аввало болаларга стоматология ёрдами кўрсатиш тубдан яхшилансин, ўн учинчи беш йилликда стоматология ёрдамининг барча турларига бўлган талаб-эҳтиёж батамом қондирилсин. Стоматология поликлиникалари, бўлимлари ва кабинетлари тармоғи кенгайтирилсин. Оғиз бўшлиғи касалликларининг олдини олиш мақсадида ҳамма жойда гигиена, малакаларини сингдириш юзасидан иш олиб борилсин, водопровод станцияларида фторловчи қурилмаларнинг узлуксиз ишлаб туришига эришилсин. Фторли ош тузи ишлаб чиқариш, фторли ҳамда бошқа профилактик тиш пасталари ишлаб чиқаришни кўпайтириш кўзда тутилсин. Тишни протезлаш замонавий методлари актив жорий қилинсин. Министрликлар ва идоралар аҳолининг талаб-эҳтиёжларини қондириш учун тишларни даволаш ҳамда протезлаш учун юқори сифатли замонавий аппаратлар, асбоб ва материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтирсинлар.

Кўриш органлари касалликлари, айниқса узоқни кўра олмаслик, кўз травматизми профилактикаси такомиллаштирилсин, катаракта, глаукома ва тўрпарда касалликларини барвақт аниқлаш ҳамда даволаш янги методлари ва ташкилий формалари практикага жорий қилинсин. Районлараро офтальмология бўлимлари ривожлантирилсин. Кўз касалликларига чалинган беморларга медицина ёрдамини янада такомиллаштириш борасида етакчи илмий-тадқиқот ва даволаш муассасаларида тўпланган тажрибадан фаол фойдаланилсин. Микрохирургик операциялар ва лазер техникаси практикага кенгроқ жорий этилсин.

Касалликларни барвақт аниқлаш учун замонавий микроанализ методлари ўзлаштирилсин, ҳар бир республика, ўлка, областда аллергология кабинетлари ва иммунология лабораториялари ташкил қилинсин.

Энг кўп тарқалган нерв системаси касалликлари ва руҳий касалликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари амалга оширилсин. Миянда қон айланиши тўсатдан бузилган беморлар учун бўлимларни ташкил қилиш давом эттирилсин ва уларнинг иши яхшилансин. Катта шаҳарларда мия қон томирлари ҳамда периферия нерв системаси касалланган кишиларни меҳнат ва сафга қайтариш учун аслига келтирадиган даволаш марказлари очилсин. Қишлоқ жойларда психоневрология диспансерлари, касалхоналари ва бўлимлари, даволаш-меҳнат устаханалари бўлган интернат-уйлар тармоғи кенгайтирилсин. Саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналарида психикаси бузилган беморларни сафга ва меҳнатга қайтариш учун зарур миқдорда махсус участкалар ташкил этилсин. Катта шаҳарларда телефон орқали социал-психологик ёрдам кўрсатиш учун ихтисослаштирилган «ишонч телефони» медицина хизмати ташкил қилинсин.

Алкоголизм ва гиёҳвандликка мубтало бўлган шахсларни барвақт аниқлаш ва самарали даволаш ишларини тубдан яхшилаш таъминлансин. 1990 йилгача саноат, қурили

СССР аҳолисининг саломатлигини муҳофаза қилишни ривожлантириш ва соғлиқни сақлашни қайта қуришнинг ўн иккинчи беш йилликка ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари

(Давоми. Боши 1-, 2- бетларда).

III. Медицина кадрларини тайёрлаш, тарбиялаш ҳамда уларнинг меҳнатини ташкил этишни замон талаблари даражасига кўтарайлик

Соғлиқни сақлаш системаси олдида турган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш медицина ва фармацевтика ходимларининг билимига, касб маҳоратига, ғоявий-маънавий қиёфасига ва барча илғор, прогрессив нарсаларга астойдил тарафдор бўлиши, юксак пировард натижаларга эришиш мақсадида ўз фаолиятини қайта қуришга иштиёқманд бўлишига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Врачга энг азиз нарса — совет кишиларининг ҳаёти ва соғлиғи ишониб топширилади. Инсонпарварлик ва олижаноблик, фидокорлик ва шафқатлилик, ўзини батамом беморнинг манфаатларига бағишлай билиш, билимларни муттасил такомиллаштириб бориш — врач учун шунчаки ҳурмата лойиқ бўлган шахсий фазилатларгина бўлиб қолмай, шу билан бирга унинг профессионал ва гражданлик етуклигини белгиловчи фазилатлар ҳамдир. Совет врачи — энг илғор коммунистик дунёқараш тарғиботчисидир. У юксак ғоявий эътиқодли, социалистик жамият олдидаги бурчини ҳис этадиган, ўз касбининг социал аҳамиятини англайдиган бўлиши керак.

Бизнинг мамлакатимизда халқ врачларнинг меҳнатига юксак баҳо беради. Врачлар муносиб равишда обрў-эътибор ва ишончга сазовор бўлишган, уларнинг ғоят катта кўпчилиги ўзининг гражданлик ва профессионал бурчини ҳалол, виждонан адо этмоқда. Медицина ходимларининг обрў-эътиборини бундан бўён ҳам ошираверириш, сифатли ва ижодий иш учун шарт-шароитларни яратиш, аҳолини уларнинг меҳнатини чуқур ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш лозим.

Соғлиқни сақлаш системасини қайта қуриш, совет жамийти турмушида унинг ролини ошириш, медицина ва фармацевтика кадрларининг профессионал маҳорати, маънавий қиёфаси ҳамда уларнинг ишини ташкил этишга нисбатан янги талаблар кўяди.

Фан-техника ютуқлари асосида, касалликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва даволашнинг энг янги методларини практикага татбиқ этишни жадаллаштириш асосида соғлиқни сақлаш мутахассислари тайёрлаш сифатини ва уларнинг малакасини ошириш, Совет Иттифоқи врачининг қасамёдига содиқлик руҳида тарбиялаш — медицина таълимининг энг асосий вазифасидир.

Шу мақсадда касбга қизиқадиган ёшларни олий ўқув юртларига танлаб олиш системасини такомиллаштириш лозим бўлади. Олий ўқув юртлари даволаш-профилактика муассасаларида иш стажига эга бўлган кишилар, шунингдек врачлик касбига қизиққан, запаса бўшатилган ҳарбий хизматчилар ҳисобидан тўлдирилсин. Мактаб ўқувчиларини мактаблараро ўқув-ишлаб чиқариш комбинатларида медицина профили бўйича ўқитиш кенгайтирилсин. Уларнинг меҳнатидан даволаш-профилактика муассасаларида беморларни парвариш қилишда фойдаланилсин. Уларга, шунингдек, медицина ва фармацевтика олий ўқув юртлари ҳамда илмий-тадқиқот институтларининг ўқув-ёрдамчи ходимлари (лаборантлар, препараторлар ва бошқалар)га ушбу олий ўқув юртларига қабул қилишнинг амалий соғлиқни сақлаш системасидаги иш тажрибасига эга бўлган кишилар учун белгиланган шартлари жорий этилсин. Ўн иккинчи беш йилликда барча медицина ва фармацевтика институтлари ҳузурида тайёрлов бўлимлари ташкил этиш тугаллансин, соғлиқни сақлаш ходимларини тайёрлаш тармоқ формалари кенгайтирилсин. Олий ва ўрта ўқув юртларига қабул қилинадиган контингентлар кадрларга нисбатан илмий асосланган талабэҳтиёжга мувофиқ ҳолга келтирилсин.

Умумий амалиёт врачи тайёрлашни кўзда тутиб, врачлар тайёрлаш системаси ўзгартирилсин. Малака характеристикалари, ўқув планлари, умумий назарий, медицина-биологик, клиник ва гигиеник фанларни ўқитиш мазмуни ишлаб чиқариш практикасини ташкил этиш, студентлар билимини текшириб туриш системаси ўқитишни амалий соғлиқни сақлаш эҳтиёжларига энг кўп даражада яқинлаштирган ҳолда вақти-вақти билан қайта кўриб чиқилсин.

Бўлажак врачларнинг профессионал тайёргарлик ҳажмини ошириш ва клиник фанларни яғона программаларга мувофиқ анча барвақт ўрганиш; турли хил машғулотлар ўртасидаги нисбатни студентларнинг мустақил иши ҳамда амалий малакаларни ўзлаштириб борини, шу жумладан, замонавий ва истиқболли медицина техникасидан фойдаланиб ўқитиш фойдасига ўзгартириш; турдош ўқув курсларини бирлаштириш ва йириклаштириш ҳисобига ортиқча фанларни камайтириш, олий медицина мактабларида ва фармацевтика ўқув юртларида ижтимоий фанларни ўқитишнинг профессионал йўналишини кучайтириш; 1988—1989 ўқув йилидан бошлаб иккинчи ва бешинчи курсларда студентларни аттестациядан ўтказиб, курсдан-курсга кўчириш давлат имтиҳонларини жорий этиш; ўрта медицина ва фармацевтика маълумотига эга бўлган кишиларни махсус ўқув фанлари ва программалари асосида ўқитиш кўзда тутилсин.

Студентлар билимлари чуқурлиги ва сифатига талабчанлик кучайтирилсин. Студентлар коллективларида ижодий активлик ва билимларни эгаллашда мусобақалашиш вазияти вужудга келтирилсин. Ўқишга масъулиятсизлик билан қарайдиган студентлардан пастки курсларнинг ўзидаёқ қатъиян халос бўлинсин.

Врачлар ва провизорлар тайёрлашнинг якунловчи босқичи замонавий, энг янги техника билан жиҳозланган соғлиқни сақлаш муассасаларида ўтказилсин. Ёш мутахассисларнинг диққат-эътибори танлаб олинган ихтисос бўйича билимлар ва малакаларни чуқур ўзлаштиришга қаратилиб, субординатура ва интернатура самарадорлиги оширилсин.

Олий медицина ва фармацевтика таълимини, амалий соғлиқни сақлаш ва илм-фанни интеграциялашга кўмаклашувчи ташкилий шарт-шароитлар вужудга келтирилсин. Катта касалхоналари бўлган медицина илмий институтлари ва олий ўқув юртлари бирлашмалари ташкил этилсин, соҳа кафедралари илмий-тадқиқот муассасалари базасида жойлаштирилсин.

Мутахассисларни тайёрлаш, студентлар практикасини, интернатура ҳамда врачларни ихтисослаштириш учун даволаш-профилактика муассасалари ва бошқа муассасаларнинг типовой Низомлари ишлаб чиқилиб, 1988—1989 ўқув йилидан бошлаб амалда жорий этилсин.

Давлат имтиҳонларининг аҳамияти оширилсин ва уларни ўюштириш яхшилансин. Бўлажак врачларни давлат имтиҳонларига қўйишнинг мажбурий шарти сифатида уларнинг мустақил профессионал ишга тайёрлигини комплекс аттестациядан ўтказиш жорий қилинсин. Мамлакатнинг барча олий ўқув юртларида битирувчиларнинг назарий ва амалий тайёргарлик даражасига ягона талаблар қўйилиши таъминлансин. Давлат имтиҳон комиссиялари составига системаси вакиллари киритилсин. Ана шу комиссияларга олий мактабларни битириб чиқувчи кишилар давлат имтиҳонларини топширмаган тақдирда, уларга ўрта медицина ходимлари малакасини бериш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш ҳуқуқи берилсин. Улар тақсимланган жойда бир йил ишлагандан кейин давлат имтиҳонларини такрорий топширган тақдирда врачлик дипломини олишлари кўзда тутилсин.

Аҳолига медицина ёрдамини тубдан яхшилашда ўрта ва кичик медицина ходимлари муҳим роль ўйнайди. Фельдшер, медицина ҳамшираси, фармацевт, санитарка врачнинг шунчаки энг яқин ёрдамчилари бўлиб қолмай, улар соғлиқни сақлашнинг таянч бўғинидир. Уларнинг иши врач буюрганларини аниқ бажариб боришни, кузатувчан, мушкул вазиятларда топқир, ҳамдард, меҳрибон, раҳм ва шафқатли бўлишни талаб этади.

Замонавий диагностика ва даволаш методларининг мураккаблиги ўрта маълумотли медицина ва фармацевтика мутахассислари тайёрлаш сифатини ошириш масалаларини биринчи ўринга қўяди. Шу муносабат билан олий ўқув юртларининг ўқув планлари ва программаларини қайта кўриб чиқиш, уларда ишлаб чиқариш практикасини ташкил этиш, студентлар билимини текшириб туриш системаси ўқитишни амалий соғлиқни сақлаш эҳтиёжларига энг кўп даражада яқинлаштирган ҳолда вақти-вақти билан қайта кўриб чиқилсин.

Бўлажак врачларнинг профессионал тайёргарлик ҳажмини ошириш ва клиник фанларни яғона программаларга мувофиқ анча барвақт ўрганиш; турли хил соғлиқни сақлаш муассасалари медицина ва дорихона ходимларига 12 иш кунигача қўшимча отпуска бериш тўғрисидаги масалани белгиланган тартибда ҳал этсин.

Бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларнинг меҳнат коллективларига бевосита шу коллективларда хизмат кўрсатаётган врачлар, провизорлар, ўрта медицина ва фармацевтика ходимларига уйжой майдони ва ётоқхоналардан, мактабгача тарбия болалар муассасаларидан, пионерлар лагерларидан, санаторий-профилакториялардан ишчи ва хизматчилар билан баббаравар ўрин ажратиш тавсия қилинсин. Ишдаги юксак кўрсаткичлар учун, фан ва техника ютуқларини практикага фаол жорий этганлик учун маънавий ва моддий рағбатлантириш формаларидан кенг фойдаланилсин.

Соғлиқни сақлаш системасидаги барча бўғинларнинг раҳбар кадрларини тайёрлашни янада такомиллаштириш борасидаги ишлар давом эттирилсин. Уларнинг амалий малакаси мунтазам суратда ошириб борилсин, соғлиқни сақлашни бошқариш ва унинг экономикаси асосларини улар чуқур ўзлаштириб олиб, коллективларда юксак талабчанлик вазиятини, профессионал бурчни адо этиш учун қулай шароитларни вужудга келтиришларига, ташаббускорликни, мураббийликни, социалистик мусобақани ривожлантиришларига эришилсин. Раҳбар кадрларнинг ҳақиқий резервини тайёрлаш таъминлансин.

Соғлиқни сақлаш кадрлари билан олиб бориладиган ғоявий-тарбиявий иш савиясини ошириш, илғор тажрибаларни пропаганда қилиш ҳамда профилактика, диагностика ва даволаш янги методларини практикага жорий этиш мақсадларида «Медицинская газета»нинг ҳажми ва даврийлиги оширилсин.

Соғлиқни сақлаш ходимларининг меҳнат, турмуш ва дам олиш шароитлари яхшилансин, улар учун санитария-маиший хоналар, ошхоналар, буфетлар, хизмат пунктлари, дам олиш хоналари, психо-физиологик оромхоналари ташкил этилсин. Санаторий-курорт йўли билан даволаниш ва дам олиш учун йўлланмалар сони кўпайтирилсин. Уй-жой қуриш кооперативлари, ётоқхоналар, санаторий-профилакториялар, дам олиш базалари, спортсоғломлаштириш комплекслари, клублар, маданият уйлари, пионер лагерлари тармоғи кенгайтирилсин.

Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советлари, халқ депутатлари ўлка, область Советларининг ижроия комитетлари иқтисодий ва социал ривожланиш планларини кўриб чиқиш чоғида ана шу мақсадларга капитал маблағлар лимитини ажратишни кўзда тутсинлар.

Соғлиқни сақлаш ходимлари ҳар бир меҳнат коллективида ижодий активлик, совет кишилари саломатлигини сақлаш ишини яхшилаш йўлларини излаш, термоядро уруши хавфига қарши қурашда барча мамлакатлар врачларининг куч-ғайратларини бирлаштириш муҳитини вужудга келтиришлари керак.

IV. Медицина фанини активроқ ривожлантирайлик, унинг ютуқларидан соғлиқни сақлаш практикасида кенг фойдаланайлик

Халқ соғлиғини мустаҳкамлашда, медицина ёрдами кўрсатишнинг принципиал янги воситалари ва усулларини яратишда, совет кишилари соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва қарор топтиришда медицина фани етакчи ролни ўйнайди. У дунёда мустаҳкам обрў-эътибор қозонди. Бироқ, энг муҳим вазифани — одамларнинг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш, уларнинг актив ҳаёт фаолиятини узайтириш вазифасини ҳал этиш учун унинг имкониятларидан ҳамон тўла-тўкис фойдаланилмаяпти. Соғлиқни сақлашнинг туб проблемаларини ҳал этиш билан боғлиқ бўлган йирик комплекс тадқиқотлар кам бажарилмоқда. Кўпгина илмий-тадқиқот ишларининг сифати ҳали ҳам паст. Иммунология, генетика, биотехнология, трансплантология, гематология, фармакологияда фундаментал тадқиқотлар соҳасида қолоқлик кўзга ташланмоқда. Медицина практикасида ҳозирги замон фанининг ютуқларидан суст фойдаланилмоқда, илмий ишларни планлаштириш ва пул билан таъминлашдаги расмиятчилик, ўтказиладиган тадқиқотларга социал буюртманинг йўқлиги, илмий ишланмаларнинг пировард натижалари сифатига нисбатан талабчанликнинг пастлиги бунга сабаб бўлмоқда.

Жаҳон медицинаси эришган ютуқлар мамлакат халқ хўжалигининг интенсив ривожланаётган тармоқлари тажрибаси юқори малакали кадрларга эга бўлган ихтисослаштирилган бўлинмаларни тузиш ва жорий этиш жараёнини моддий жиҳатдан рағбатлантириш йўли билан-гина профилактика, диагностика ва даволашнинг янги усул ҳамда воситаларини соғлиқни сақлаш практикасига ўз вақтида, кенг кўламда жорий этишни таъминлаш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Медицина фанини бошқаришни, илмий фаолиятни планлаштириш ва ташкил этишни тубдан қайта қуриш, бу жараёнларга конкрет, муайян мақсадга қаратилган тус бериш зарурати етилди. Тадқиқот ишларини соғлиқни сақлаш социал буюртмаларига мувофиқ олиб бориш зарур. Олимларнинг кучғайратлари медицина-биология, клиника, эпидемиология ва социал-гигиена соҳаларидаги асосий фундаментал тадқиқотларга қаратилмоғи керак, буларнинг натижалари соғлиқни сақлаш практикаси проблемаларини тубдан ҳал этишга, аввало, касалликларнинг олдини олиш, уларни барвақт аниқлаш ва даволаш мақсадида касаллик сабабларини билиб олишга олиб бормоғи лозим. Демографик ўзгаришлар, ишлаб чиқариш ва атроф-муҳит шароитларининг ўзгариб бориши ва миграция жараёнлари муносабати билан медицина-социал муаммоларни ўрганиш ҳамда аҳоли сиҳат-саломатлигининг ҳолати ва динамикасини таҳлил этиш, касалланиш даражасини прогноз қилишни илм-фаннинг биринчи навбатдаги вазифалари деб ҳисоблансин. Она ва бола соғлиғини сақлашга, юрак-томир касалликлари, онкологик, асабий-руҳий, эндокрин, инфекцион касалликлар, гематологик, аллергик, стоматологик касалликларнинг олдини олишга ва даволашга алоҳида эътибор берилсин.

Бутун куч-ғайрат ген инженерияси ва биотехнологияси соҳасидаги илмий-тадқиқотларга, замонавий дори-дармонлар, приборлар ва автомат системаларни, атроф-муҳитни олисдан ва автомат тарзда назорат этиш усулларини ишлаб чиқишга қаратилсин. Илмий муассасаларни ташкил этиш ва бошқаришнинг янги принципларини ишлаб чиқиш, фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш, замонавий ахборот-қидирув системаларини яратиш кучайтирилсин. Медицина соҳасидаги мутахассисларнинг эмас, шу билан бирга социологлар, иқтисодчилар, демографлар, математиклар ҳамда фан-техника бошқа тармоқлари намояндаларининг куч-ғайратлари ана шу энг муҳим йўналишларга қаратилсин.

СССР Медицина фанлари академияси мамлакатдаги бутун медицина фанига раҳбарлик қилиш ва уни планлаштиришнинг чинакам штаби бўлиб қолиши ва ўз фаолиятини СССР Фанлар академияси билан ҳамда халқ хўжалиги бошқа тармоқларининг илмий-тадқиқот институтлари билан мустаҳкам боғланган ҳолда олиб бориши лозим. Ҳар бир илмий коллектив ва ходимнинг иши самарадорлигини анча ошириш, илмий ечимларнинг назарий ва амалий қиймати учун уларнинг масъулиятини кучайтириш СССР Медицина фанлари академиясининг энг муҳим вазифаларидан бири, деб ҳисоблансин.

СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ва иттифоқдош республикаларнинг Соғлиқни сақлаш министрликлари илм-фанга социал буюртма бериб туришни, илмий имкониятлардан интенсив фойдаланишни, илмий-тадқиқот ишлари натижалари билан илғор тажрибани практикага кенг кўламда оператив жорий этиб боришни таъминласинлар. Олий ўқув юртлари ҳамда врачлар малакасини ошириш институтларида ўтказилаётган илмий-тадқиқотлар ҳажми анча кенгайтирилсин ва сифати оширилсин. Илм-фан билан амалий соғлиқни сақлаш ишлари ўртасидаги боғланишни кучайтириш чоралари кўрилсин. Илмий медицина жамиятларининг роли оширилсин.

СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги соғлиқни сақлаш системасидаги илмий-тадқиқот муассасаларининг категорияларини белгилаш, шу муассасаларни тугатиш, уларнинг соҳасини ўзгартириш ҳамда тармоқдаги мавжуд иш ҳақи фондлари ва илмий ходимлар сони лимитлари доирасида янги муассасалар барпо этиш; 1987—1988 йилларда бўшаб қолган штат ўринларидан, моддий ва молиявий ресурслардан энг актуал тадқиқотлар учун фойдаланиб, соҳадаги илмий-тадқиқот муассасалари тармоғини тартибга солиш; планлаштириладиган ва тугалланган илмий ишланмаларни баҳолашда экспертизаларнинг ролини ошириш, патент-лицензия хизматини такомиллаштириш ҳуқуқи берилсин. Илмий-тадқиқот ишланмаларини ва уларнинг практикага жорий этилишини жадаллаштиришдан илм-фан ходимларининг манфаатдорлиги оширилсин, ходимнинг меҳнат ҳақи пировард натижага қўшган конкрет ҳиссасига боғлиқ қилиб табақалаштирилсин. Бажариладиган ишларнинг ҳажми кенгайган, илмий-муассасаларнинг раҳбарларига инженер-техник ходимлар, лаборантлар ва хизмат кўрсатиш ходимлари учун иш ҳақига устамалар белгилаш ҳуқуқи берилсин.

Илмий муассасалар ишини интенсивлаш ҳисобига амалий аҳамиятга эга бўлган муҳим қўшимча тадқиқотларни бажариш учун хўжалик ҳисоби асосида шартномалар тузиш практикаси кенгайтирилсин.

Заруратга қараб бундай ишларни бажариш учун амалий соғлиқни сақлаш мутахассислари жалб этилсин. Буюртмачидан олинган маблағ шу муассасаларнинг моддий базасини мустаҳкамлашга, ходимларнинг меҳнатини қўшимча рағбатлантиришга ва социал-маиший шароитларини яхшилашга ишлатилсин.

Бош илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарларининг бўйсунувчи муассасалар ва кафедраларга раҳбарлик қилиш, илмий-тадқиқот ишларини планлаштириш, илмий кадрлар тайёрлаш ва уларни аттестациядан ўтказиш, молиявий ва моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни тақсимлаш соҳасидаги ҳуқуқлари кенгайтирилсин. Илмий марказлар ва бош илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида тажриба-эксперимент ишлаб чиқаришларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблансин.

СССР Медицина фанлари академияси СССР Фанлар академияси, СССР Медицина ва микробиология саноати министрлиги, бошқа министрликлар ва идоралар иштироки билан тармоқлараро фан-техника комплексларини, биринчи галда юқори сифатли химиявий ва биологик реагентлар, самарали дори-дармонларни тайёрлайдиган ва саноат йўли билан ишлаб чиқарадиган ана шундай комплексларни тузсин.

Муҳим проблемаларни комплекс равишда ишлаб чиқиш ҳамда тадқиқот натижаларини практикага жорий этишни жадаллаштириш учун илмий марказдан, илмий-амалий (ишлаб чиқариш) бирлашмалари, тармоқлараро фан-техника комплекслари (лабораториялар), мураккаб илмий коллективларни ташкил этишдан кенгроқ фойдаланилсин.

СССР Госснаби, СССР Фан ва техника давлат комитети, Машинасозлик министрликлари соғлиқни сақлаш илмий муассасаларини мамлакатимизда ясалган ва жаҳондаги энг яхши намуналарга мос келадиган прибор ҳамда аппаратлар билан таъминласинлар.

Компьютер технологияси, ҳужжатли ва фактографик маълумотлар базаларини тузиш асосида илмий медицина ахборотининг ягона системасини ривожлантириш таъминлансин. Медицина кутубхоналарининг моддий-техника базаси мустаҳкамлансин. Совет медицина фани ва халқ соғлиғини сақлаш ютуқларини оммавий ахборот воситалари орқали пропаганда қилиш қайта қурилиб, унга актив, жанговар тус берилсин.

СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги, СССР Медицина фанлари академияси биринчи галда социалистик мамлакатлар билан медицина фани ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантирсинлар, илмий ахборотларни кенгроқ алмашсинлар, энг қимматли ишланмаларни практикага тезроқ жорий этсинлар. Халқаро илмий ва илмий-амалий бирлашмалар тузсинлар.

V. Соғлиқни сақлаш зарур моддий-техника воситалари билан таъминлансин

Совет кишиларининг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида партия билан ҳукумат ўртага қўйган янги вазифалар соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техника базасини анча мустаҳкамлашни, уларни замонавий техника воситалари билан жиҳозлашни ва дори-дармонлар билан таъминлашни талаб қилади. Бу иш КПСС XXVII съездининг социал-маданий соҳани ривожлантириш хусусидаги йўл-йўриқларини амалга оширишнинг узвий қисми бўлиб қолмоғи керак.

Ҳозирги вақтда 23 мингта касалхона, 40 мингта амбулатория-поликлиника муассасаси, 30 мингта дорихона аҳолига медицина ёрдами кўрсатиб, уни дори-дармон билан таъминлаб турибди.

Шу билан бирга касалхоналардаги ўринларнинг қарийб учдан бир қисми белгиланган санитария-гигиена нормаларига хилоф равишда мослаштирилган, бинолларда жойлаштирилган, кўпгина даволаш-профилактика муассасалари медицина асбоб-ускуналари, дори-дармон, анжомлар ва бемор парваришига тутиладиган буюмлар билан дуруст таъминланмаган.

Соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий базасини тубдан яхшилаш мақсадида ўн иккинчи — ўн тўртинчи беш йилликларда шу муассасаларни қуриш учун кўзда тутилган капитал маблағ анча кўпайтирилсин. Касалхона ва поликлиникалар қурилишига бериладиган капитал маблағ салмоғи 2—2,5 баравар кўпайтирилиб, янгидан ишга туширилиадиган объектларни замонавий медицина техникаси билан таъминлашга сарфланадиган маблағ улуши 40 процентга етказилсин. Ажратиладиган капитал маблағ структурасини кескин ўзгартириб, уларни биринчи навбатда даволаш -профилактика муассасаларини реконструкция қилиш, техника жиҳатидан янгилаш ва белгиланган санитария нормаларига мувофиқ келтиришга сарфлансин. Пул билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобидан 1,3—1,4 миллион ўринли касалхоналар ва ҳар сменада 2,9—3,2 миллион беморни қабул қиладиган поликлиникалар ишга туширилсин. Соғлиқни сақлаш объектлари фан-техника тараққиёти ютуқлари ҳамда истиқболини ҳисобга олиб ишлаб чиқилган ва беморларни даволаш ҳамда ходимларнинг самарали ишлаши учун энг мақбул шароитларни таъминлайдиган янги типовой ва якка лойиҳаларгагина мувофиқ қурилсин.

Туғуруқхоналар, хотин-қизлар консультациялари, болалар касалхоналари ва поликлиникаларни илдам суръатлар билан қуриб борилсин ва ажратиладиган капитал маблағнинг камида 40 проценти шу мақсадларга сарфлансин. 1995 йилга бориб туғуруққа ёрдам бериш ва болалар даволаш-профилактика муассасаларига аҳолининг эҳтиёжлари, 2000 йилга бориб эса стационар ва амбулатория, поликлиника муассасаларига эҳтиёжлари тўла-тўкис қондирилсин.

Даволаш-профилактика ва дорихона муассасаларини қуриш ҳамда уларни техника билан қайта жиҳозлаш учун саноат, транспорт, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотларининг маблағларидан, Бутуниттифоқ коммунистик шанбаликларидан тушган, шунингдек, меҳнат коллективлари ва гражданларнинг совет соғлиқни сақлаш ва шафқат фондига тушадиган ихтиёрий маблағларидан кенгроқ фойдаланилсин.

Республика, ўлка ва область даволаш-профилактика муассасалари, диагностика марказлари, илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида беморлар ва уларга ҳамроҳ кишилар вақтинча яшаши учун хўжалик ҳисоби асосида пансионатлар барпо этилсин.

Шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари орасида соғломлаштириш ишларини анча яхшилаш мақсадида корхоналар ва хўжаликларнинг меҳнат коллективларига медицина-санитария қисмлари ва санаторий-профилакториялар барпо қилиш тавсия этилсин, шунингдек, ходимларнинг медицина- социал, касб-кор ва меҳнат қобилиятини тиклаш учун соғломлаштириш комплекслари, махсус цех ва участкалар тармоғи кенгайтирилсин. Бу ишда бир неча корхона ёки ташкилотнинг маблағларини кооперациялаш усулидан кенг қўлланилсин.

Қурилган медицина-санитария қисмлари меҳнат коллективларининг илтимосларига мувофиқ корхона ва ташкилотларнинг балансига ўтказилсин, уларни пул билан таъминлашга ва қараб сақлаб туришга рухсат этилсин.

Қишлоқ аҳолисига медицина ёрдами бериш анча яхшилансин. Врачлик амбулаторияларини дорихоналар ҳамда медицина ва фармацевтика ходимлари учун квартиралар билан биргаликда комплекс қуриш практикаси давом эттирилсин. Ўн иккинчи — ўн тўртинчи беш йилликларда 14 мингтадан кўпроқ шундай комплекслар қурилсин.

Диспансерлар, санитария-эпидемиология станциялари ва бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларининг, шунингдек, илмий-тадқиқот институтлари, олий ва ўрта медицина ўқув юртлари ҳамда врачлар малакасини ошириш институтларининг моддий-техника базаси тубдан мустаҳкамлансин.

Ўн учинчи беш йилликда халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетлари олиб борадиган янги қурилишлар ва ажратиб берадиган қўшимча бинолар ҳисобига ҳамма жойда хўжалик ҳисобидаги поликлиникаларнинг тегишли моддий базасини яратиш масалалари ҳал этиб берилсин. 2000 йил охирига бориб аҳолига кўрсатиладиган пулли медицина хизмати ҳажми 5 баравар кўпайтирилсин.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, СССР министрликлари ва идоралари соғлиқни сақлаш объектларини қуришнинг юқори сифатли бўлишини ва ажратилган маблағлар сўзсиз ўзлаштирилишини таъминласинлар. Шу объектларни лойиҳалаштиришда ишлаб турган кишиларнинг камида 25 проценти идораларга қарашли уйжой билан таъминланишини ҳисобга олиб, уй-жой қуриш кўзда тутилсин.

Медицина муассасаларини ўз вақтида ва сифатли реконструкция ҳамда ремонт қилиш мақсадида ўн иккинчи — ўн тўртинчи беш йилликларда иттифоқдош ва автоном республикаларнинг пойтахтларида, ўлка ва область марказларида маҳаллий соғлиқни сақлаш органларига бўйсунувчи ихтисослаштирилган ремонт-қурилиш ташкилотлари тузилсин.

Министрликлар ва идоралар даволаш воситаларига бўлган эҳтиёжларни 1993 йилга бориб тўла-тўкис қондиришни назарда тутиб, дори-дармон ишлаб чиқаришни кўпайтирсинлар. Дори-дармонларнинг сифатини дунёдаги энг яхши намуналар даражасига кўтариш тадбирлари амалга оширилиб, уларнинг дурust қадоқлаб ўраб чиқарилиши таъминлансин. 1995 йилгача дори-дармон ва медицина мақсадларида ишлатиладиган буюмлар реализацияси ҳажми икки баравар кўпайтирилсин.

Дори-дармон турлари қайта кўриб чиқилсин, кам самарали препаратлар ишлаб чиқаришни камайтира бориб, бўшаб қолган қувватлар ва ресурслардан янги хил дори-дармон ишлаб чиқариш учун фойдаланилсин. Аҳолининг сони, унинг қайси касалликлар билан қанча касалланишини эътиборга олиб, дори-дармондан оқилона фойдаланиш ва мамлакатнинг айрим регионларига тақсимлаш таъминлансин.

Дори-дармон билан ёрдам беришнинг қулайлиги ва сифатини ошириш мақсадида дорихоналар тармоғи ривожлантирилсин ва моддий-техника базаси мустаҳкамлансин. 2000 йилга бориб дорихоналар сони ва дори омборларининг қувватлари белгиланган нормативларга етказилсин. Дорихоналарни соғлиқни сақлаш муассасалари билан комплекс тарзда жойлаштириш кенг одат тусига киритилсин. Янги технологиялар ва ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш асосида дорихона ишлаб чиқариши ихтисослаштирилсин ва марказлаштирилсин. Дори-дармонлар тўғрисида маълумот бериб турадиган хизмат ташкил қилинсин.

Ўн иккинчи — ўн учинчи беш йилликларда стационарларда дори-дармон олиш-марказлари, илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида беморлар ва уларга ҳамроҳ кишилар вақтинча яшаши учун хўжалик ҳисоби асосида пансионатлар барпо этилсин.

Шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари орасида соғломлаштириш ишларини анча яхшилаш мақсадида корхоналар ва хўжаликларнинг меҳнат коллективларига медицина-санитария қисмлари ва санаторий-профилакториялар барпо қилиш тавсия этилсин, шунингдек, ходимларнинг медицина- социал, касб-кор ва меҳнат қобилиятини тиклаш учун соғломлаштириш комплекслари, махсус цех ва участкалар тармоғи кенгайтирилсин. Бу ишда бир неча корхона ёки ташкилотнинг маблағларини кооперациялаш усулидан кенг қўлланилсин.

Қурилган медицина-санитария қисмлари меҳнат коллективларининг илтимосларига мувофиқ корхона ва ташкилотларнинг балансига ўтказилсин, уларни пул билан таъминлашга ва қараб сақлаб туришга рухсат этилсин.

Қишлоқ аҳолисига медицина ёрдами бериш анча яхшилансин. Врачлик амбулаторияларини дорихоналар ҳамда медицина ва фармацевтика ходимлари учун квартиралар билан биргаликда комплекс қуриш практикаси давом эттирилсин. Ўн иккинчи — ўн тўртинчи беш йилликларда 14 мингтадан кўпроқ шундай комплекслар қурилсин.

Диспансерлар, санитария-эпидемиология станциялари ва бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларининг, шунингдек, илмий-тадқиқот институтлари, олий ва ўрта медицина ўқув юртлари ҳамда врачлар малакасини ошириш институтларининг моддий-техника базаси тубдан мустаҳкамлансин.

Ўн учинчи беш йилликда халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетлари олиб борадиган янги қурилишлар ва ажратиб берадиган қўшимча бинолар ҳисобига ҳамма жойда хўжалик ҳисобидаги поликлиникаларнинг тегишли моддий базасини яратиш масалалари ҳал этиб берилсин. 2000 йил охирига бориб аҳолига кўрсатиладиган пулли медицина хизмати ҳажми 5 баравар кўпайтирилсин.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, СССР министрликлари ва идоралари соғлиқни сақлаш объектларини қуришнинг юқори сифатли бўлишини ва ажратилган маблағлар сўзсиз ўзлаштирилишини таъминласинлар. Шу объектларни лойиҳалаштиришда ишлаб турган кишиларнинг камида 25 проценти идораларга қарашли уйжой билан таъминланишини ҳисобга олиб, уй-жой қуриш кўзда тутилсин.

Медицина муассасаларини ўз вақтида ва сифатли реконструкция ҳамда ремонт қилиш мақсадида ўн иккинчи — ўн тўртинчи беш йилликларда иттифоқдош ва автоном республикаларнинг пойтахтларида, ўлка ва область марказларида маҳаллий соғлиқни сақлаш органларига бўйсунувчи ихтисослаштирилган ремонт-қурилиш ташкилотлари тузилсин.

Министрликлар ва идоралар даволаш воситаларига бўлган эҳтиёжларни 1993 йилга бориб тўла-тўкис қондиришни назарда тутиб, дори-дармон ишлаб чиқаришни кўпайтирсинлар. Дори-дармонларнинг сифатини дунёдаги энг яхши намуналар даражасига кўтариш тадбирлари амалга оширилиб, уларнинг дурust қадоқлаб ўраб чиқарилиши таъминлансин. 1995 йилгача дори-дармон ва медицина мақсадларида ишлатиладиган буюмлар реализацияси ҳажми икки баравар кўпайтирилсин.

Дори-дармон турлари қайта кўриб чиқилсин, кам самарали препаратлар ишлаб чиқаришни камайтира бориб, бўшаб қолган қувватлар ва ресурслардан янги хил дори-дармон ишлаб чиқариш учун фойдаланилсин. Аҳолининг сони, унинг қайси касалликлар билан қанча касалланишини эътиборга олиб, дори-дармондан оқилона фойдаланиш ва мамлакатнинг айрим регионларига тақсимлаш таъминлансин.

Дори-дармон билан ёрдам беришнинг қулайлиги ва сифатини ошириш мақсадида дорихоналар тармоғи ривожлантирилсин ва моддий-техника базаси мустаҳкамлансин. 2000 йилга бориб дорихоналар сони ва дори омборларининг қувватлари белгиланган нормативларга етказилсин. Дорихоналарни соғлиқни сақлаш муассасалари билан комплекс тарзда жойлаштириш кенг одат тусига киритилсин. Янги технологиялар ва ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш асосида дорихона ишлаб чиқариши ихтисослаштирилсин ва марказлаштирилсин. Дори-дармонлар тўғрисида маълумот бериб турадиган хизмат ташкил қилинсин.

Ўн иккинчи — ўн учинчи беш йилликларда стационарларда дори-дармон олиш-марказлари, илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида беморлар ва уларга ҳамроҳ кишилар вақтинча яшаши учун хўжалик ҳисоби асосида пансионатлар барпо этилсин.

Шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари орасида соғломлаштириш ишларини анча яхшилаш мақсадида корхоналар ва хўжаликларнинг меҳнат коллективларига медицина-санитария қисмлари ва санаторий-профилакториялар барпо қилиш тавсия этилсин, шунингдек, ходимларнинг медицина- социал, касб-кор ва меҳнат қобилиятини тиклаш учун соғломлаштириш комплекслари, махсус цех ва участкалар тармоғи кенгайтирилсин. Бу ишда бир неча корхона ёки ташкилотнинг маблағларини кооперациялаш усулидан кенг қўлланилсин.

Қурилган медицина-санитария қисмлари меҳнат коллективларининг илтимосларига мувофиқ корхона ва ташкилотларнинг балансига ўтказилсин, уларни пул билан таъминлашга ва қараб сақлаб туришга р

СССР аҳолисининг саломатлигини муҳофаза қилишни ривожлантириш ва соғлиқни сақлашни қайта қуришнинг ўн иккинчи беш йилликка ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари

(Давоми. Боши 1-, 2-3-бетларда).

Соғлиқни сақлаш муассасаларини техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва дори-дармон билан таъминлашда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар билан кооперация имкониятларидан иложи борича кўпроқ фойдаланилсин. Чет эл фирмалари билан биргаликда медицина техникаси ва дори-дармон ишлаб чиқарувчи корхоналар барпо этилсин.

Зарур ҳолларда дори-дармон ва медицина техникаси етказиб бериш топшириқлари министрлик ва идораларнинг давлат буюртмаси составига киритилсин. Медицина маҳсулоти етказиб берувчилар билан узоқ муддатли бевосита алоқа системасига ўтилсин. Техника воситалари ва асбоб-ускуналаридан оқилона, самарали фойдаланиш учун соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарларининг масъулияти оширилсин. Янги медицина техникасини ишлаб чиқишда рационализатор ва ихтирочиларга кўмак берилиб турилсин. СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги системасининг медицина техникаси билан таъминлайдиган, шунингдек, уни монтаж қиладиган, ишлатадиган ва ремонт қиладиган ташкилотлари моддий базаси мустаҳкамлансин ва малакали инженер-техник кадрлар билан таъминлансин.

Тайёрловчи заводлар томонидан мураккаб медицина аппаратларига фирма хизмати ва уларни ўз вақтида ремонт қилиш шартнома асосларида ташкил этилсин.

Ўн тўртинчи беш йилликда тармоқнинг санитария автомобилларига бўлган эҳтиёжлари тўла-тўкис қондирилсин, тез ва шошилинч медицина ёрдами бериш ҳамда беморларни авайлаб ташиш учун сифат жиҳатдан янги бўлган ихтисослаштирилган автомобиль, авиация ва дарё транспорти воситалари ишлаб чиқилсин. Ҳар қандай жойларда юра оладиган автомашиналар, шунингдек, қишлоқ аҳолисига диагностика ва даволаш борасида ихтисослаштирилган ёрдам беришда ишлатиладиган кўчма воситалар кўпайтирилсин.

Ихтисослаштирилган транспорт воситалари эҳтиёт қисмлар ва ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлансин.

Территориал поликлиникалар, участка касалхоналари, қишлоқ врачлик амбулаториялари ва фельдшер-акушерлик пунктларининг беморларнинг уйига бориб ёрдам берадиган медицина ходимларига кам литражли енгил автомобиллардан шу касалларга хизмат қилишда фойдаланишни кўзда тутиб, бу автомобилларни енгил шартлар билан ўзи учун сотиб олиш ҳуқуқи берилсин.

Даволаш-профилактика муассасаларини юмшоқ инвентарь ва мебель билан таъминлаш яхшилансин. 1995 йилга бориб 1986 йилга нисбатан шундай жиҳозларни харид этишга ажратиладиган маблағ 2 баравар, 2000 йилга бориб 2,8 баравар кўпайтирилсин.

Соғлиқни сақлаш системасининг дезинфекция қилувчи препаратлар ва боғлов воситаларига бўлган эҳтиёжлари ўн иккинчи — ўн учинчи беш йилликларда тўла-тўкис қондирилсин.

Белгиланган тадбирларни амалга ошириш молиявий ва моддий ресурсларни анча кўпайтиришни талаб этади. Шу мақсадда мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат планларида соғлиқни сақлашни ривожлантиришга сарфланадиган ва ўртага қўйилган вазифаларни ҳал этишни таъминлайдиган маблағларни анча кўпайтириш назарда тутилсин.

СССР министрликлари ва идоралари, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари соғлиқни сақлаш муассасаларини фойдаланишга топшириш ва уларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш борасида белгиланган топшириқларни бажаришни биринчи даражали сиёсий аҳамиятга молик иш деб билсинлар.

VI. Соғлиқни сақлашни бошқариш такомиллаштирилсин

Соғлиқни сақлашни интенсив ривожлантириш, аҳолига юқори малакали медицина ёрдами беришни таъминлаш демократик асосларини кенгайтириш ва ўзини-ўзи бошқаришни ривожлантириш, хўжалик ҳисобидан соғлиқни сақлаш органлари ва муассасаларининг илғор иш тажрибасидан, бошқарувнинг янги усулларига онд кенг кўламли эксперименталар, медицина фани ва практикаси интеграцияси натижаларидан тўлароқ фойдаланиш негизида бошқариш, планлаштириш ва пул билан таъминлашни тубдан такомиллаштиришни қатъий тақозо этади.

Ҳозирги шароитда:

Соғлиқни сақлашни перспектив планлаштиришнинг энг мақбул шакли бўлган тармоқ ва кўп тармоқли медицина социал программаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга;

ҳам меҳнат коллективларининг, ҳам мамлакат айрим регионларининг медицина социал ривожланишини жадаллаштиришга қаратилган «Сиҳат-саломатлик» махсус тармоқ ва регионал программаларини амалга оширишга;

молиявий, моддий, илмий ва меҳнат ресурсларини соғлиқни сақлашни ривожлантиришнинг устун йўналишларига жамлашга;

медицина муассасалари ишини сифат жиҳатдан ўзгартириб, уларнинг моддий-техника базасини тубдан янгилашни таъминлашга;

соғлиқни сақлаш органлари ва муассасаларининг ишини планлаштириш ва уларнинг фаолиятига баҳо беришда ўринлар сонига ва поликлиникалар неча кишини қабул қила олишига асосланиб эмас, балки аҳолининг саломатлигини акс эттирувчи кўрсаткичларга, жумладан, умумий касалликлар ва юқумли касалликлар даражасини, вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганлик, инвалидлик, ўлим, санитария-эпидемиология жиҳатидан сог-саломатлик ва бошқа сифат характеристикаларига асосланишга ўтишга алоҳида эътибор бериш талаб қилинади.

Соғлиқни сақлашни айрим республикалар, ўлкалар ва областлар бўйича пул билан таъминлаш (капитал маблағлар лимитидан ташқари) аҳоли сони ҳисоба олиб белгиланган нормативлар асосида, регионнинг демографик, социал, иқтисодий ва экологик хусусиятларидан келиб чиқиб амалга оширилсин.

Аҳоли саломатлигини сақлаш ишини бошқаришни ташкил этишни яхшилаш мақсадида СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги, республикалар министрликлари, ўлка, область, шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимлари ва марказий район касалхоналарининг роли оширилсин, молиявий, ташкилий масалалар, штат масалаларини тармоққа ажратиладиган маблағ доирасида ҳал этишда уларнинг ҳуқуқлари кенгайтирилсин. Бошқаришнинг барча даражаларида моддий, молиявий ва кадрлар ресурсларидан моҳирона фойдаланиш имконияти таъминлансин.

Бошқарув меҳнатининг ташкил этилиши ва техника билан таъминланиши яхшилансин, инструкция, ҳисоб ва ҳисобот материаллари сони камайтирилсин. Тармоқ ишида бир-бирининг ишини такрорлаш, расмиятчилик ва бюрократизм қатъий бартараф этилсин.

Ҳар бир медицина муассасаси ишининг аҳволини қисқа муддатда ўрганиб чиқиш, регионни иқтисодий ва социал ривожлантириш умумий структурасида унинг имкониятлари, ўрни ва ролини билимдонлик билан холисона баҳолаш, бутун соғлиқни сақлаш системасини қайта қуришдан келиб чиқадиган конкрет тадбирларни белгилаш соғлиқни сақлашни бошқариш органларининг биринчи галдаги вазифаси деб ҳисоблансин.

Аҳолига медицина ёрдами кўрсатишга доир барча асосий ишлар амбулатория-поликлиника бўғинида ва дардни касалхонага боришдан олдин аниқлаб олиш вақтида бажарилсин. 1988—1991 йилларда мамлакатнинг бир қанча районларида соғлиқни сақлаш муассасаларини бошқариш, планлаштириш ва пул билан таъминлашнинг янги формаларини пишиқтириш юзасидан кенг кўламда эксперимент ўтказилсин.

Аҳолиси 500 минг кишигача бўлган шаҳарларда район бўлимларини тугатиш ҳисобига халқ депутатлари Советлари ижроия комитетларининг ўлка, область ва шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимлари мустаҳкамлансин. Қишлоқ районларида марказий район касалхоналари ҳамда тузиладиган районлараро ихтисослаштирилган марказларнинг ташкилотчилик роли кучайтирилсин. Медицина ёрдами ихтисослаштирилган турларининг аҳволи ва унинг сифатини яхшилаш учун республика, ўлка, область касалхоналари ва диспансерларининг, шунингдек, соғлиқни сақлаш органлари бош мутахассисларининг масъулияти оширилсин.

Аҳолининг саломатлик ҳолати тенденциялари, демография жараёнларининг хусусиятларини, мамлакат регионларининг социал ва иқтисодий ривожланишини, уларнинг экологик ва бошқа характеристикаларини ҳисобга олиш асосида узоқ муддатга мўлжалланган прогнозларнинг, медицина ёрдами ҳар хил турларини ривожлантириш, дори-дармон ва медицина техникасига эҳтиёжнинг, перспектив ва жорий планлаштиришнинг илмий жиҳатдан асосланган бўлиши таъминлансин.

Ҳар бир регионда аҳолини медицина ёрдами билан таъминлашнинг нормативлари, соғлиқни сақлаш муассасалари тармоғини ривожлантириш ва жойлаштиришнинг энг мақбул схемалари ишлаб чиқилсин.

Аҳолини ва соғлиқни сақлаш муассасаларини дори-дармонлар ва медицина техникаси билан таъминлайдиган ташкилотлар фаолиятини планлаштириш ва баҳолаш ана шу маҳсулотларга талабларнинг ўз вақтида ва қанчалик тўла қондирилишини белгиловчи кўрсаткичлар асосида амалга оширилсин.

Энг янги медицина технологияларини тезроқ жорий этиш, ноёб даволаш-диагностика асбоб-ускуналарини ишлаб чиқариш ва қўлланишни ўзлаштириш, уларни ясаш, улардан фойдаланиш учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида тармоқлараро медицина техникаси комплекслари шохобчалари барпо этилсин.

Тармоқнинг хўжалик механизми такомиллаштирилсин. Соғлиқни сақлаш органлари ва муассасалари ишини интенсивлаштиришда ҳамда аҳолига кўрсатиладиган медицина ёрдами сифатини яхшилашда хўжалик механизмининг рағбатлантирувчи роли кучайтирилсин. Молиявий ва моддий ресурсларни планлаштириш ва улардан фойдаланиш масалаларида соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарларининг ҳуқуқлари кенгайтирилсин.

Соғлиқни сақлаш ходимлари иш ҳақини янада табақалаштириш ва меҳнатни рағбатлантириш таъминлансин, иш ҳақининг ишнинг мураккаблиги, интенсивлиги ва сифатига, энг яхши пировард натижаларга эришишга боғлиқлиги кучайтирилсин. Меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлашнинг бригада формалари жорий этилсин.

Оператив омилкорлик билан энг зарур тадбирларни ўтказиш учун соғлиқни сақлаш органларига медицина муассасаларини таъминлашга ажратиладиган маблағларнинг 5 процентигача миқдорида пул маблағлари резервини ташкил этишга рухсат берилсин.

Меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш, профилактика ва соғломлаштириш тадбирларини ўтказиш учун корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, колхозлар ва совхозлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқариш шароитининг ноқулайлиги туфайли ходимлар касалланиб, меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотган тақдирда уларни даволаш учун сарф-харажатларнинг бир қисмини соғлиқни сақлаш органларига мазкур корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, колхозлар ва совхозлар тўлаши белгилаб қўйилсин. Касаллик ишлаб чиқаришда шикастланиш ва захарланиш, транспорт ташкилотлари ва хусусий кишиларнинг айби билан йўл-транспорт ҳодисалари сабабли юз берса, озиқ-овқат объектларида эпидемияга қарши режим бузилиши билан боғлиқ бўлган овқатдан захарланиш ва ўткир юқумли ичак инфекциялари туфайли юз берса, соғлиқни сақлаш органлари ва муассасаларига, касаба союз комитетларига беморларни даволашга кетган харажатларни қоплаш учун корхоналарга, муассасаларга, ташкилотларга ва хусусий кишиларга даъво қилиш ҳуқуқи берилсин.

Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонунига мувофиқ бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларга ўз ходимлари ва уларнинг оила аъзоларига белгиланган нормалардан ташқари медицина ёрдами кўрсатиш тўғрисида соғлиқни сақлаш муассасалари, медицина олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот институтлари ва лабораториялари билан хўжалик ҳисоби асосида шартномалар тузишга рухсат берилсин.

Колхозларга шундай шартномалар тузиш практикасидан кенгроқ фойдаланиш тавсия этилсин.

Бундай ёрдам кўрсатишдан соғлиқни сақлаш муассасаларига тушадиган маблағ бюджет ихтиёрига олинмасин. Шартномалар юзасидан тушадиган маблағнинг бир қисми соғлиқни сақлаш муассасаларини рағбатлантириш фондига ўтказилсин.

Даволаш муассасаларида медицина кўрсатмаларини ҳисоба олиб беморлар, уларнинг қариндош-уруғлари маблағи ҳисобига шартнома асосида якка буюртмаларга мувофиқ қўшимча овқатланишни ташкил этиш мумкин, деб ҳисоблансин.

ВЦСПСга социал страхованиенинг касалликлар олдини олиш тадбирларига ва аҳолига медицина хизматини яхшилашга сарфланадиган қисмидан энг мақбул фойдаланиш тадбирларини кўриш тавсия этилсин.

Халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетлари соғлиқни сақлаш муассасаларининг техникавий ва хўжалик таъминоти (иситиш, сув билан таъминлаш, лифт хўжалиги ва бошқа хизматлар)ни марказлаштириш тадбирларини амалга оширсинлар.

Давлат санитария назорати таъсирчанлигини кучайтириш учун мамлакат санитария-эпидемиология хизматини бошқариш қайта қурилсин, бу хизмат фаолиятининг норматив ва ҳуқуқий асослари такомиллаштирилсин. 1988 йилда СССР Граждан авиацияси министрлигининг санитария-эпидемиология станциялари (1987 йил 1 июлидаги штатлари, моддий ва молиявий ресурслари билан биргаликда) СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги санитария-эпидемиология хизматига ўтказилсин. Аҳолиси 500 минг кишигача бўлган шаҳарларда маҳаллий шароитлар ҳисоба олиниб, район санитария-эпидемиология станцияларини тугатиш ҳисобига шаҳар санитария-эпидемиология станциялари мустаҳкамлансин.

СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги СССРнинг манфаатдор министрликлари ва идоралари иштироки билан ўн иккинчи беш йилликда белгиланган тартибда мамлакатнинг бутун аҳолиси учун соғлиқни сақлашнинг ягона системасини яратиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқсин.

«Медтехника» системаси ва аптека хизматини бошқариш структурасини ўз харажатларини ўзи қоплаш ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш принциплари асосида хўжалик механизмининг янги методларига мослаштириш учун 1988—1990 йилларда «Медтехника» республика, ўлка ва область бошқармаларини ишлаб чиқариш-савдо бирлашмаларига, республика, ўлка, область ва шаҳар аптека бошқармаларини эса «Фармация» ишлаб чиқариш бирлашмаларига айлантириб қайта тузилсин. 1991 йилдан бошлаб соғлиқни сақлаш органлари ва муассасаларини бошқаришнинг турли даражаларида автоматлаштирилган ахборот системаларидан кенг фойдаланиш таъминлансин.

* * *

Совет кишиларининг соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш ишларини такомиллаштириш, уларнинг юқори малакали медицина ёрдамига бўлган эҳтиёжини ҳамма жойда қондириш — партия ва ҳукумат социал сиёсатининг энг асосий масалаларидан биридир, даврнинг энг зарур талабидир.

Соғлиқни сақлашни қайта қуриш — кенг миқёсли давлат тадбири бўлиб, у совет жамияти ҳаётидаги муҳим воқеадир. Қайта қуриш жараёнида Ватанимиз медицинаси эришган энг яхши ютуқларни ривожлантириш, аҳоли саломатлигини сақлаш ишини янада яхшилаш йўлидаги ғовларни бартараф қилиш, социалистик жамиятни ва унинг экономикасини ривожлантиришга, мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга соғлиқни сақлаш органлари қўшадиган ҳиссани кўпайтириш лозим.

Ҳар бир иттифоқдош ва автоном республикада, ўлка, область, шаҳар ва районда маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олиб, аҳоли саломатлигини сақлаш системасини такомиллаштиришнинг конкрет планлари ишлаб чиқилсин.

Соғлиқни сақлашни қайта қуришнинг асосий тадбирлари ўн иккинчи, ўн учинчи ва ўн тўртинчи беш йилликлар мобайнида босқичма-босқич амалга оширилсин.

Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка, область, округ, шаҳар ва район партия комитетлари совет кишилари соғлигини сақлаш ишига партиявий раҳбарликни кучайтирсинлар, ҳамма жойда аҳолига юқори малакали медицина ёрдами берилиши учун, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, демократик асосларни ривожлантириш, коллективларда принципиаллик, ижодий активлик, ишдаги нуқсонларга нисбатан муросасизлик, юксак пировард натижалардан манфаатдорлик муҳитини вужудга келтириш учун соғлиқни сақлаш органлари ва муассасаларидаги бошлангич партия ташкилотлари ролини ва масъулиятини оширсинлар. Министрликлар ва идоралар, совет органлари ва хўжалик раҳбарлари, касаба союз, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотларининг фаолияти халқ соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш билан боғлиқ бўлган масалаларни биринчи галда ҳал этишга қаратилсин.

Ҳар бир совет кишисининг саломатлигини яхшилаш — гоят муҳим аҳамиятга молик иш бўлиб, жамиятимизни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг инсонпарварлик ва олижаноб мақсадидир.

• Пахта йиғим-терими тугаллай бориб

МАШАҚҚАТЛАРГА ҚАРШИ МАТОНАТ

Ўзбекистон пахтакорлари қарийб 4 миллион 800 минг тонна пахта териб олдилар. Ингичка толали навлар бўйича социалистик мажбурият бажарилди. Мамлакат тўқимачилик корхоналари кўплаб олий сифатли хом ашё оладилар.

НАМАНГАН область «Дўстлик» совхози бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдусаттор Шариповнинг катта дала гал қўлларида чанокдаги пахта оппоқ майин гулдай кўринади.

— Ахир, у бор-йўғи уч-тўрт грамм келади. Ундан асло ошмайди. Лекин унга сарфланган меҳнатга қараб баҳо берадиган бўлсак, мана шу уч-тўрт грамм пахтани соф олтинга қиёс қилгим келади.

Ҳа, бригадир Шарипов учун ушбу чанокдаги пахта бу йил фақат рамзий маънода қийин келгани йўқ. Баҳорда, чигитлар эндигина ниш уриб чиққанда тез-тез ёмғир қуя бошлади. Кейин эса тоғлардан сел ёпирилди. Кўпгина жойларда чигитни қайта экишга тўғри келди. Мавсум якунларига қараб эндигина хурсанд бўлган ҳолда далаларга дастлабки хомбайнларни чиқаришганида гупиллатиб қор ёғиб берди. Бир кун мобайнида ёққан қор натижасида ғўзалар ярим метрли қор тагида қолиб кетди. Бригада мана шундай машаққатларга қарамай, гектар бошига 32 центнердан сифатли уруғлик пахта хирмони кўтариб, областда биринчилар қаторида давлат планини бажарди. У мана, салкам беш йилдирки, пудрат усулида ишламоқда.

Наманган областида ва умуман бутун Фарғона водийсида бундай коллективлар анчагина. Айнан худди шундай коллективлар энг кўп миқдорда ҳосил етиштирмоқдалар, йўл қўйилган қолоқлик ўрнини қоплямоқдалар. Далаларда эса ҳали пахта бор ва уларни охиригача йиғиб-териб олиш керак. Тўғри, республиканинг марказий ва шимолий зоналарида йиғим-терим якунланмоқда. Экинлардан бўшаган майдонларга келаси йил ҳосили учун замин тайёрлаш мақсадида агрегатлар шудгор қилгани чиқмоқда. Дастлабки натижалар чиқарилянти. Мусобақа ғолиблари орасида Бухоро областидан Ғиждувон ва Қверадлон, Хоразм областидан Урганч ва Ҳонқа, Тошкент областидан Чиноз районлари бор. Улар ҳозир социалистик мажбуриятлар ҳисобига пахта сотмоқдалар. Бу соҳада, айниқса, Бухоро миришкорлари таҳсинга сазовордирлар. Улар об-ҳаво шароитлари анча яхши келган ўтган йилдагига қараганда юз минг тонна кўп пахта сотдилар.

Қийин келган пайтда ҳамма вақт бўлганидек бутун Ўзбекистонда ҳосилни йиғиб-териб олиш учун барча кучлар сафарбар қилинди. Республика Компартияси Марказий Комитети Мурожаатномасига жавобан қариб икки миллион шаҳарликлар, студентлар, юқори синф ўқувчилари далаларга чиқдилар. Ҳаттоқ ёғингарчилик кунларида ҳам пахта терилмининг ўсиш суръатлари пасаймади. Бу пайтда одамларнинг кайфиятини яхшироқ кўриш ва тушунуш учун ҳамма нарсани одам ўзида синаб кўриши керак. Шу мақсадда бир қатор марказий газеталарнинг ўз мухбирларидан иборат бригада Тошкент областидаги хўжаликлардан бирига борди. Улар одатдагидек фотоаппарат ва ён дафтарлар билан эмас, балки оддий этакларда эдилар. Ўша кунларда артист ва рассомни... бошқа касб эгаларини ҳам мана шу ролда кўриш мумкин эди. Шундай бўлса-да, натижаларни чиқара туриб, илгариги йилларда бўлганидек арзимаган майда-чуйдалар атрофида шовшув кўтарган, боқимандалик кайфиятида юрган анчагина раҳбарлар ҳам топилиб қолганлигидан кўз юмиб бўлмайди.

Бу йилги йиғим-терим жараёнида юзага келган яхши, ташаббускорона ишларга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Қарши чўлидаги Усмон Юсупов номли қўриқ совхозда ҳар йили ҳосил асосан шаҳарликлар кучи билан териб олинарди. Бу гал эса ана шу ёрдамдан бутунлай воз кечиб, машиналарга зўр беришди. Улар йиғим-теримни ўз вақтида ўтказиб, нобудгарчиликка йўл қўймадилар. Давлатга планга қўшимча равишда 1100 тонна биринчи навли хом ашё сотдилар. Совхоз директори Ҳ. Фармонов ташаббуси билан хўжаликдаги барча бригадалар ва звенолар коллектив ва оилавий пудратга ўтказилди. Ҳисоб-китоблар пишиқ-пухта кўриб чиқилганда шу нарса маълум бўлдики, совхоз илгари четдан одамларни йиғим-теримга жалб этганида, пахтани териб олишга уч баравар кўп маблағ сарфлаган. Хўш, нима учун хўжалик ўз маблағини четдан келганларга бериши керак?! Пудрат коллективларида пахтани ўз кучлари билан йиғиштириб олишга қарор қилинди. Шубҳасиз, бундай тажрибадан қўриқ колхозлар ва совхозларда, албатта, фойдаланиш лозим.

— Бу йилги йиғим-терим бизга яхши сабоқ берди, ҳақиқий раҳбарнинг — ҳам партия, ҳам хўжалик раҳбарининг қиёфасини аниқлашга ёрдам берди, — дейди Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев. — Уларнинг энг яхшилари экстремал шароитларда ўзларини йўқотиб қўймадилар, ўзларини қайта қуришга муваффақ бўлдилар. Дадил қарорларни қабул қилдилар. Барча кучни ҳосилни сақлаб қолишга сафарбар этдилар. Аммо шундай раҳбарлар ҳам бўлдики, улар ишчанлик кўрсата олмай, вазиятни билмасликларини ошкор қилиб қўйдилар. Республика партия комитетлари мана шуларнинг ҳаммасини ҳисобга олишлари, тегишли хулосаларни чиқаришлари керак. Бугунги кунга келганда шуни айтиш керакки, давлатга иложи борича кўпроқ биринчи навли тўқимачилик хом ашёсини топшириш учун барча имкониятлардан фойдаланиш лозим.

Йиғим-терим сабоқлари... Бу сўзлар ҳали пахтакорлар тилида кўп янграйди. Мана шу сабоқларнинг кўпи ишимизга фойда келтиради. Мисол учун, бу йил энг аъло сифатли хом ашё олиш мумкин эмас, деган фикр-мулоҳазалар асоссиз бўлиб чиқди. Дефолиант аввалгидек эмаслиги ҳам, ёғингарчиликнинг кўп бўлганлиги ҳам таъсир қилганлиги ана шундай важ-корсонлардан биридир. Лекин Фарғона областидаги Ғ. Ғулом номли колхознинг А. Халилов, Ш. Йўлдошевлар бошлиқ бригадаларида етиштирилган ҳосил сифат жиҳатидан ҳатто ўтган йилгидан яхши бўлиб чиқди. Ҳосилдорлик эса гектар бошига 40—45 центнерни ташкил этди.

Бундай мисолларни ўнлаб келтириш мумкин. Хом ашё намиқиб бўзилган ёки жуда ифлос ҳолда қайта ишлашга келтирилганида кўпгина пахта тозалаш заводларининг коллективлари катта маҳорат намуналарини кўрсатдилар. Чиноз пахта тозалаш заводининг директори Р. А. Бўриев бундай ҳом ашё тозалаш линияси орқали икки-уч марта ўтказилганида улардан жуда харидоргир бешинчи типдаги тола олинаётганлигини менга сўзлаб берди. Ҳозир бундай толаларни фақат Иваново тўқимачиларигагина эмас, балки экспортга, Японияга ҳам жўнатишяпти.

Шу билан бирга сўнгги уч йил натижалари, ҳар йили 5 миллион 730 минг тонна пахта сотиш ҳақидаги план нореал эканлигини кўрсатди. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети шуни ҳисобга олдилар. Келаси мавсумдан бошлаб пахта етиштириш ҳажми 5 миллион 250 минг тонна қилиб белгиланди. Ўзбекистон пахтакорлари ҳаётида янги босқич бошланмоқда. Адолат тантана қилди. Планлаштиришнинг илгариги усуллари энди бир хотирага айланиб қолди. Ушбу беш йилликнинг охирларига бориб республикада алмашлаб экишнинг илмий асосланган системасига ўтишни асосан якунлаш, беда ва бошқа озуқа экинлари учун ажратиладиган майдонларни кўпайтириш кўзда тутилмоқда. Пахта ҳосилдорлигини ошириш, унинг навлар бўйича сортиментини тартибга солиш, тола сифатини яхшилаш учун реал заминлар вужудга келтирилмоқда. Хом ашёдан олинадиган тола нормативлари ҳам қайта кўриб чиқилди. Агар тола планлаштирилганидан кўпроқ чиқса, хўжаликлар шунга яраша қўшимча ҳақ оладилар. Шу мақсадлар учун республикада салкам 170 миллион сўм маблағ ажратилди.

Янги уфқлар катта резервларни қидириб топишга даъват этмоқда. Ана шу резервларнинг энг асосийлари —интенсив технологияни ўзлаштириш ва ҳамма ерда бригада ва звеноларни коллектив ҳамда оилавий пудрат усулига ўтказишдир. Ҳозирча бу иш ҳамма ерда ҳам амалга оширилган, деб бўлмайди.

М. БАБИНЦЕВ,
(«Сельская жизнь» мухбири).
Ўзбекистон ССР.

(«Сельская жизнь», 1987 йил 26 ноябрь).

● 25 ноябрь куни республикамиз далаларидан 25854 тонна «оқ олтин» териб олинди. Мавсум бошидан бери уйилган пахта хирмони 4751782 тоннадан ошиб кетди.

● Бир кунда «зангори кема»лар бункеридан 6470 тонна, мавсум бошидан бери 1998439 тонна дурдона тўкилди.

ҲУРМАТ ШОҲСУПАСИ

25 ноябрда энг юқори кўрсаткичга эришганлар:

Фарғона область Охунбобоев районидаги Калинин номли колхоз. Хўжалик миришкорлари йиллик планнинг 1,48 проценти миқдорида пахта тайёрладилар.

Тошкент область Бўка районидаги Ҳамза номли колхознинг Тўхтамурод Боботоев бошлиқ бригадаси аъзолари қабул пунктларига топширилгнинг 3 процентига тенг «оқ олтин» етказиб бердилар.

Сирдарё область Меҳнатобод районидаги Охунбобоев номли совхоз теримчиси Қаноат Ўринбоева хирмонга 170 килограмм пахта топширди.

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 26 ноябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Шу жумладан машинада терилгани: Бир кунда	Мавсум бошидан
Сурхондарё	0,34	96,19	0,05	92,85
Бухоро	0,16	94,72	0,28	84,97
Хоразм	0,17	93,18	0,28	57,05
Жиззах	0,21	90,01	0,07	72,47
Тошкент	0,25	89,58	0,05	67,41
Фарғона	1,03	86,30	0,07	31,63
ҚҚАССР	0,21	86,14	—	66,25
Сирдарё	0,23	83,18	0,07	82,09
Наманган	1,05	80,97	0,74	54,69
Қашқадарё	0,37	72,70	0,32	68,04
Самарқанд	0,35	70,32	0,11	51,48
Андижон	0,83	67,76	0,45	25,43
Навоий	0,29	66,76	0,23	57,83
Республика бўйича:	0,45	83,07	0,20	62,45
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
НАВОИЙ	1,03	179,76	2,06	151,88
СУРХОНДАРЁ	0,50	119,82	0,10	133,13
Қашқадарё	0,67	91,52	0,77	120,74
Наманган	1,64	90,94	—	—
Бухоро	0,34	50,66	0,71	50,17
Республика бўйича:	0,56	108,91	0,36	125,79

Халқ контролининг ишини такомиллаштирайлик

Тошкентда Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети ходимларининг кенгайтирилган кенгаши бўлди. Кенгашда Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг масъул ходимлари, журналистлар иштирок этдилар. Қайта қуриш, демократияни ривожлантириш ва ошкораликни кенгайтириш шароитида халқ контроли органлари фаолиятини янада такомиллаштириш соҳасидаги уларнинг вазифалари муҳокама қилинди. Халқ хўжалиги турли тармоқларининг ишидаги камчиликларни бартараф этиш, жамоат тартибини мустаҳкамлаш соҳасида назоратчиларнинг, касаба союз ва комсомол активларининг, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва матбуот ходимларининг биргаликдаги куч-гайратларини мувофиқлаштириш чоратадбирлари белгиланди.

Кенгашда Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг раиси В. А. Хайдуров нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

Журналистлар семинари

САМАРҚАНД, 26 ноябрь. (ЎзТАГ). Ўрта Осиё, Қозоғистон, Татаристон, Чувашистон ва Удмуртистон автоном республикалари журналистларининг бугун иш бошлаган семинари аҳолини атеистик руҳда тарбиялашда оммавий ахборот воситаларининг вазифалари мавзуига бағишланди. Семинарни СССР Журналистлар союзи ва Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениелари уюштирди. Семинарда Москва, Тошкент, Самарқанд олимлари лекциялар ўқийдилар. Меҳнаткашларни атеистик руҳда тарбиялашни қайта қуришбу ишда журналистларнинг ролини оширишнинг актуал проблемалари юзасидан мунозаралар ва кенг фикрлашув бўлади.

Редактор ўринбосари
Т. НАЖМИДДИНОВ.

Р. — 11145 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. В. — 273. ИНДЕКС 64563. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12